

OILA DAVRASIDA

www.od-press.uz Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta Gazeta 2012-yil may oyidan chiqq boshlagan.

№ 18-19 (416-417) 11-iyun payshanba

ОНАГА
ХУРМАТ
НАРХИ



3-бепт

ёхуд давлат тилига беписандлик қандай юзага келди?

Хайрлашиш насиб этмаганлар...

Коронавирус дунё бўйича 414 мингдан зиёд инсонни ҳаётдан олиб кетди.



Пейзажнинг расмчи Хуан Луис ушбу суратни коронавирус хуфати вафот этган ва уз исвара тари билан хайрлаша олмай қолган барча қаришларга бағишлаган.



«ЖОНЛАНАЁТГАН» ДЕНГИЗ

У яна тўлиб оқадими?

7-бепт

ТЕХНОГЕН АХЛОҚ

қарамлик сари йўл

5-бепт

ЎЗИНГИЗ БИЛАН ТАНИШИНГ

Сиз ҳақингиздаги асар

8-бепт

БОШДАН УСТУН ҚАДРИЯТ

Нега 40 дан 60 га кўчди?

9-бепт



СИЗИФ КЎТАРАЁТГАН ТОШ

ҳаммасини бошидан бошлаймиз...

10-бепт

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

«Одамларимиз эртага ёки узоқ келажакда эмас, балки бугун яхши яшашни, муносиб ҳаёт кечиришни истайди.»

ЯШАШ МИНИМУМИНИ БЕЛГИЛАШ

Буни энди орқага суриб бўлмайди

Мамлакатимизда яшаш минимуми ва истеъмол саватчасини белгилаш масаласи энг кўп муҳокама қилинаётган, тез-тез кун тартибига чиқаётган мавзулардан бирига айланиб бўлди. Бу бежиз эмас, бу анча муҳим ва жиддий масала. 3 июнь кuni Президент Шавкат Мирзиёев раислигида камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида жорий йил 1 октябргача тирикчилик учун зарур энг кам миқдор ва минимал истеъмол саватчасининг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилиши бўйича вазифа қўйилди.

Камбағалликни қисқартириш, бу борадаги ишларни сифатли ва самарали ташкил этиш бир қатор омилларга боғлиқ. Шулардан энг муҳими, камбағалликни белгиловчи мезонларни аниқлаштириб олишдир. Бундай мезон бўлмаса, аслида ким, нима учун камбағаллигини айтишнинг ўзи хато бўлади.

Президент парламентга Мурожаатномасида аҳолининг 10-12 фоизи камбағалликда яшаётгани ҳақида ахборот берган эди. Ушанга қадар юртимизда бундай маълумотлар ҳақида гапирилмасди. Турлича фикрлар, чамалашлар бўларди, ҳолос. Яшаш минимумининг ҳуқуқий асоси яратилса, бу борадаги статистик маълумотлар ҳам тизимлашади.

Шунинг учун давлатимиз раҳбари қайта-қайта бу муҳим масалани кун тартибига қўймоқда, деб ўйлайман.

Мутасадди идоралар вакиллари Ўзбекистонда тирикчилик учун зарур энг кам миқдорнинг қанча эканини айтиш ҳуқуқий саволлар туғилишига олиб келишни таъкидлаб, яшаш минимумини расман белгилашнинг ҳозирча имкони йўқроқ, деган мазмунда фикр билдиришган эди.

Бу фикр Конституцияимизнинг 39-моддасида пенсиялар, нафакалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларнинг миқдори расман белгиланган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилгани билан изоҳланган эди. Яъни, расмийларга кўра, яшаш минимуми расман белгиланадиган бўлса, пенсия ва ижтимоий ёрдам пулларини шундан кам бўлмаган миқдорда ошириш имконияти йўқ, бюджет бунга йўл бермайди. Боиси, ялпи ички маҳсулот даражаси ўсиши тез эмас.

Тўғри, яшаш минимуми ва истеъмол саватчасини жорий этиш, бу борадаги муносабатларни тўлиқ, изчил тартибга солиш осон бўладиган жараён эмас. Қийинчилик ва мураккабликлар бўлиши табиий. Лекин «осон эмас», «ҳозир эмас», деб қутилдиган бўлса, муаммолар ҳал этилиши анча чўзилиб кетиши мумкин. Бу эса вазиятни борган сари қийинлаштиради.

Пандемия шароитида эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ёрдамнинг манзиллигини таъминлаш, айниқса, долзарб вазифага айланди. Қонунчиликдаги айрим камчиликлар янада яққолроқ сезилди.

Шунинг учун Президент қўйган вазифани ижро этиш, яшаш минимуми ва истеъмол саватчасини жорий қилиш бўйича ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш зарур. Бошқа масалалар жараёнда имкониятга қараб ҳал этилгани мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблайман. Нимага десангиз, бу ипга жазм этмасдан камбағалликни қисқартириш дастурларини самарали амалга ошириб бўлмайди. Камбағаллик қамаймаса, жойларда ижтимоий муаммолар кўпаяди. Бошқача айтганда, бу масалада узоқ кутиш имконияти қолмаган.

Шербек БҶРОНОВ,

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзДХП фракцияси аъзоси*

ИҚТИСОДИЙ САВОДХОНЛИК ПОЙДЕВОРИ

қаердан бошланади?

Сарф-харажат қилишда уч нарсага эътибор бериш керак: биринчидан ортиқча камхаржлик. Бундай одамлар энг зарурий нарсаларни сотиб олиши, бинобарин турмушнинг бирламчи моддий ва номоддий товарларига харж қилиши лозим.

Инсон бирламчи ва иккиламчи эҳтиёжларни ажрата билиши даркор. Иккинчидан, ортиқча сарфлаш. Бунда моддий бойликлар керагидан ортиқ бўлиб, бўлар-бўлмаста пул совурилади, ноўрин сарф-харажат қилиш оқибатида маблағ исроф бўлади. Учинчидан, мўътадил сарф-харажатлар, яъни зикналик ҳам, исрофгарчилик ҳам қилмаслик. Айнан бирламчи эҳтиёжларни илк мактаб ёшидан ажрата билиши иқтисодий саводхонликнинг дастлабки пойдевориридир. Агар инсоннинг даромади жуда кам бўлса, унинг харажатлари энг биринчи навбатда асосий озик-овқат маҳсулотларига сарфланади. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига жорий йил 1 октябргача тирикчилик учун зарур энг кам миқдор ва минимал истеъмол саватчасининг ҳуқуқий

асосларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Агар уни мактаб дарсликларига киритмасак хато бўлади. Аслида «Истеъмол саватчаси» – муайян вақт давомида инсон ҳаёти ва унинг саломатлигини сақлаш учун зарур маҳсулотлар, товарлар ва хизматларнинг энг кам тўплами. «Истеъмол саватчаси» энг кам иш ҳақи ва пенсиялар, базавий ижтимоий тўловлар, ишсизлик, болани парвартириш, боқувчисини йўқотганлик нафақалари, стипендиялар каби моддий эҳтиёж миқдорларини белгилаш учун ҳисоб-китобга асос бўлиши керак. Анъанага кўра, «Истеъмол саватчаси» 3 қисм – озик-овқат маҳсулотлари, ноозик-овқат товарлари ва хизматлардан иборат. Ноозик-овқат товарларига кийим-кечак, пойабзал, биринчи навбатда зарур бўлган буюмлар, дори-дармонлар, маданий-маиший ва хўжалик учун мўлжалланган товарлар ва ҳоказолар қиради. Хизматлар рўйхатидан эса коммунал, транспорт хизматлари, маданий-маърифий жабҳалар ўрин олади.

Одатда «Истеъмол саватчаси» аҳолининг 3 та асосий ижтимоий-демографик гуруҳи – меҳнатга лаёқатли аҳоли, пенсионерлар ва болалар учун ишлаб чиқилади. Яъни аҳолининг турли қатламлари тирикчилиги учун зарур энг кам миқдорни белгилашда муайян даврда истеъмол саватчасидаги барча неъматларни истеъмол қилиш нормаларини аниқлаш зарур. Масалан, оддий фуқаро нормал ҳаёт кечириши учун хар кuni истеъмол қилиши керак бўлган озик-овқат маҳсулотлари тўплами ва миқдорини ҳисоблаш ёки барча коммунал харажатларни қоплаш учун ойига қанча сумма заруриги аниқланади.

Олимлар томонидан ўртача талаб ўрганиб чиқилиб, меъёрий оддий истеъмол саватчага 18

хил зарурий калория берувчи озик-овқат маҳсулотлари киритилган. Халқро соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан маъқулланган ушбу меъёрасман тарқатилган. Бу меъёр бир киши учун мўлжалланган бўлиб, у минимум эҳтиёжларни қамраб олган. Бундан мураккаброқ истеъмол саватчалари ҳам бор, унда кўпроқ бошқа зарурий ҳаётий кўрсаткичлар мужассам. Агар қуйида тавсия қилинаётган жадвалини ўқувчи ота-онаси билан тўлдирса ва нарх-наволарни амалдаги жорий нархлар асосида ҳисоблаб чиқилса, ўзи учун ота-онаси бир кунда ва бир ойда қанча маҳсулот сарфлаётгани аён бўлади. Бу ерда жорий ойда айни маҳсулотнинг бозор нархлари асосида ойлик ва йиллик меъёрлари ҳисобланади. Масалан, бозорларда март ойда гуручининг ўртача нархи 8000 сўм эди. Ойлик меъёр бир кишига 1,5 килограмм бўлса 8000x1,5=12000 сўм. Агар мазкур оилада 5 нафар киши истикомат қилса, мос равишда 12000x5=60000 сўм бир ойда фақат гуруч учун жамғариш лозим. Йиллик эса 60000x12=720000 сўм сарф бўлади.

Шу пайтгача оилаларда ўзининг рўзғори учун, яъни шахсий эҳтиёжи учун нарсалар яратилган бўлса, эндиликда давлатимиз томонидан берилётган улкан имкониятлар, кредитлар оилада сотиш учун, бозор учун нарсалар яратилмоқда. Шунчаки бой бўлишни орзу ҳавас қилиш эмас, балки оилалар ўз имкониятларини ҳисоблаш, чамалаш, олинган кредитларни ўз ўрнига фақат иш учун сарфлашни ўрганиши керак. Оиладаги барча тадбирлар – у тўй, туғилган кун, иморат куриш, таъмирлаш, ойлик зарурий харажатлар бўладими, ҳаммасининг ҳисоб-китоби оилавий, жумладан болалар иштирокида ҳисоблашиб улар билан муҳокама қилиниши керак. Биз катталар «Бола нарса, сен катталарнинг ишига аралашма» деб оилада улғаяётган болаларни жараёнлардан четлатамиз. Келинлар фикрига эса аксарият умуман безътибор бўлинади. Ахир, оилада биз нимага эришсак, бу бойликлар келгусида зурриётларимиз қўлида қолади. Бола боқиб ўтирган келин нахотки шу уйдаги оддий бухгалтерлик ҳисобини қила олмайдими? Албатта қила олади, фақат унга ишониб керак, лозим бўлса, шундай билимларни ўқитадиган қисқа курсларда ўқитилса, бўлгани.

Оилалар кундан-кунга фаровон бўлиши камбағалликдан қутулишидан энг биринчи навбатда келинлар манфаатдор. Тўқ, бой уйларда майда гаплар ҳам кам бўлади, ҳамма иш билан банд бўлади. Фойда келтираётган чаккон келинларга қайноналар ҳам эътироз билдирмайдилар. Эндиликда хонадонларга ишлаб чиқариш, бизнес кириб келмоқда. Мустакиллик йилларида иқтисодий билимларга оид юзлаб китоблар ёзилди. Аммо улар ичда кенг оммага мўлжалланган, оилавий иқтисод масалаларига мосланган китоблар бармоқ билан санарли. Халққа бундай тушунчаларни оддий, жўн тилда тушунтириш керак. Бугун янги шароитда оилаларнинг бой бўлиши, камбағалликдан қутулиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб турганда таълим-тарбияда ҳам таълим олувчиларнинг иқтисодий тарбияси, онги, тафаккури олдинги устувор вазифа бўлиши керак.

Бахтиёр КАРИМОВ,

*Ўзбекистон Республикаси
халқ ўқитувчиси*



ЭГАСИЗЛИК ИЛЛАТИ

она тилимизга муносабатни шакллантирди




Тил – миллат руҳини акс эттирадиган, миллий, тарихий илдишларга туташадиган муҳим восита. Давлат тили мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига, маънавият-маърифат, таълим, иқтисодийёт, суд-ҳуқуқ соҳаларига бевосита ёки билвосита таъсир кўсатади. Айниқса, нисбатан ёш мустақил мамлакатларда миллий давлат тилини ривожлантириш ва унинг амалиётда кенг қўлланилишига эришиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбек тилининг ривожланиши учун амалга оширилиши зарур фаолият ўттиз йил давомида тўхтаб қолгани сабабли бугун бу борада катта муаммолар кўпчиликини ташвишга соляпти. 1989 йилда гарчи «Давлат тили тўғрисида»ги қонун қабул қилинган бўлса-да, унинг ишлаш принципи, жамиятдаги ҳар бир соҳага, умуман ҳаётимизга изчил тадбир этиш механизми яратилмаган эди. Нагизжада, ўзбек тили, атамашунослик, миллий тил, адабий тилнинг бойиб тақомиллашиш йўллари ва имло графикаси, у билан боғлиқ назарий қондалар ўзибўларчилик билан аро йўлда қолиб кетди. Давлат тилининг мавқеи, нуфузи ва обрўси ҳақида қайгуришни тасдиқлайдиган амалий фаолият деярли кўзга ташланмади. Ўтган йиллар давомида бу борада бош қотирадиган лоақал бирон ташкилот тузилмагани давлат тилининг чин маънода эгасиз қолиб кетганининг биргина кўриниши ҳоло.

Мустақилликдан кейин хорижий тилларни ўрганишга кенг имкониятлар яратилди. Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган аксар мактаблардаги таълим сифати ота-оналарни қониқтирмагани боис кўпчилик ўз фарзандини рус тилида таълим бериладиган мактабларда ўқитишни маъқул кўрди. Бу жараён ҳалигача давом этиб келяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони, 2019 йил 4 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори ҳамда 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан давлат тили мавқеини мустаҳкамлаш бўйича илк қадамлар қўйилмоқда.

Айни вақтда соҳада қатор муаммолар мавжуд бўлиб, амалда Ўзбекистон расмий идоралари ва илмий ҳамжамиятининг асосий тили ўзбек тили эмаслиги, замонавий тенденцияларнинг ўзбек тилида акс этмаслиги,



таржимачилик, лугат ва сўз бойлигининг камайиб кетиши каби масалалар ҳанузгача узил-кесил ҳал қилинмаган.

Давлат ва нодавлат ташкилотларида ҳалигача ўзбек тилини муқаммал билладиган, давлат тилида оғзаки ва ёзма саводхонлиги юқори, шу тилда бемалол иш юрита оладиган мутахассислар эмас, асосан, хорижий тиллардан камда биттасини билладиган ҳодимга талаб юқори бўлиб келди. Бундай ҳодимга бошқаларга нисбатан устуңлик бериш, ҳатто, баъзи ўринларда ёзилмаган қонун тусини олди.

Бугун мамлакатимиз умумтаълим мактабларининг сони 9691 тани ташкил этса, шундан дарслар рус тилида олиб бориладигани 862 та (8,8 фоиз). Бирок сўнгги йилларда йирик мегаполисларда фарзандини рус ёки бошқа тилдаги мактабларга бериш кўрсаткичи камда икки-уч фоизга ошган. Албатта бунинг сабаби таълим сифати ва бошқа турли омилларга бориб тақалади. Бирок, ёшлар келажагида ўзбек тилига рағбатнинг йўқолиб бораётгани ҳам жиддий сабаб бўла олади.

Бунинг оқибатида ёшларда билимли, малақали бўлишга интилишдан кўра, хорижий тилни ўрганишга бўлган рағбат ортиб борди. Қонун доирасида берилган имтиёзлар мамлакатнинг эртаси саналган ёш авлодда ўз она тили ёки давлат тилини муқаммал ўрганиш ҳамда шу тилда иш юритишдан кўра, хориж тилини ўрганиш ҳаёти ва жамиятда муносиб ўрин-мавқега эришиш учун асос бўлишини кўрсатиб қўйди.

Қадрлар сиёсатида муносиб мутахассисларга рус ёки бошқа тилни билишига қараб усту-

ворлик берилди. Ўзбек тилини қанчалик билиши эса иккинчи даражага тушиб қолди. Мана шундай ёндашув асосида ишга қабул қилинган ҳодим ўз она тили қайсию ўзи ишлайтган муассасада давлат тили қайси эканини фаҳмлаб-фаҳмламай фаолият юритаверди.

Катта-катта ташкилотларда давлат тилига муносабат шундай бўлгандан кейин халқда унга нисбатан ҳурмат-эътибор, ғурур ва ифтихорнинг сўниб бориши ажабланишлик ҳол эмас эди.

Иқтисодийётни ривожлантириш, бизнес борасида халқаро муносабатларни йўлга қўйиш, хорижий ҳамкорликни қучайтириш йўлидаги фаолиятда мазкур мамлакатнинг давлат тили сифатида белгилаб қўйилган ўзбек тилида иш юритиш масаласи бирон марта эътиборга олинмади. Биринчи навбатда бизга кириб келаётган маҳсулотлар, хорижий ҳамкорлар, турли муносабатлар билан «ташриф буюраётган» ажнабий сўзлар «божхона»сиз тарзда бемалол кириб келиб, давлат тилининг лугатидан катта-катта жойларни банд қилиб олди. Бунинг оқибати – нафақат хорижий ҳамкорлар учун, балки ўзбек тили ўз онасидаги табарарук ва мўътабар бўлганлар учун ҳам хориж тили ўз она тилидан-да қадрлироқ муомала воситасига айланди.

Бугун шиддат билан ривожланаётган алоқа ва телекоммуникация соҳаси, жумладан ахборот технологиялари ва интернет тармоғида ўзбек тили контенти жуда камбағал ва ғариб ахволда. Бу соҳага ўзбек тилини олиб кириш ва бойитиш умуман рағбатлантирилмади. Мисол учун,

«Google» глобал тармоғида ўзбек тилидаги қидирув жараёнида маълумотларнинг жуда камлиги, борлари ҳам фақат охириги беш-ўн йилликка оид экани ҳам ўтган йилларда бу масалага эътибор жуда паст даражада қолганидан далолатдир. Тажриба тарикасида «Ўзбекистон ҳаёти» ва «оқизнь Узбекистана» деган жумлаларни қидирувга бериб кўрдик. Ўзбек тилида 1 миллион 230 мингта саҳифа топилиб бўлса, рус тилида 48 миллион саҳифа чиқиб келди. Ҳолбуки, бу сўз айнан Ўзбекистон ҳаётига тааллуқли бўлса ҳам.

Мисол учун, Wikipedia (очик энциклопедия) саҳифасида ҳозирги пайтда рус тилидаги мақолалар 1 миллион 627 минг 922 та, саҳифалар эса 6 миллион 200 мингдан ошади. Ўзбек тилидаги мақолалар эса бор-йўғи 135 минг 592 та, веб-саҳифалар сони 634 минг 808 та.

Интернетда ўзбек тилидаги базанинг етарли эмаслиги ахборот-коммуникация технологиялари оид соҳанинг асосан рус тилида юритилиши ва барча дастурлар (ҳатто уларнинг илдизи инглиз тилида бўлса ҳам) рус тилида яратилаётгани билан боғлиқ. Мисол учун, мамлакатимизга олиб кириладиган компьютер техникаларини ишлашиш учун ҳалигача сотиб олган фойдаланувчининг ўзи ўзбек тили соҳаларини ўрнатиши керак бўлади. Ёки оддий ёзув клавиатурасини олайлик, ҳалигача ўзбек тили алифбоси харфларига мос эмас. Нега шу каби техникаларни мамлакатимизга олиб кириш жараёнининг ўзида ўзбек тилига мослаштириш талаби қўйилмайди?

Бугун хориждан олиб кириладиган маҳсулотлар ўзбек тилида маркировка қилинади. Шунингдек, юртимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ёриқларини аввало ўзбек тили, кейин бошқа тилларда ёзилади. Аммо мана шу талаблар ҳам фақат қоғомгагина ишлайтгани сезилади. Аксарият ҳолларда ўзбек тилидаги бу ёриқлардан, машини техника ва технологияларнинг ўзбек тилидаги меносидан фойдаланиш кўрсаткичи жуда паст. Бунинг сабаби эса, аввало, ўзбек тилида тушунарли қилиб ёзилмайди. Услубий, таржима ҳамда имло қонун-қоидаларига риоя қилишда кўплаб хатоларга йўл қўйилади. Ўзбек тили имкониятларидан етарлича фойдаланилмайди. Энг ёмони, бундай «мохирина» таржима учун масъулиятни ҳеч ким зиммасига ҳам олмайди.

Мана шу каби омиллар ҳаммаси йиғилиб омманинг давлат тилига бўлган муносабатини белгилаб берди. Аввал эътиборсизлик, кейин бироз бепишандлик, охири-оқибатда эса хурматсизлик қарор топти. Айни шу сабабга кўра, бугун идора, қорхона ва ташкилотлардаги расмий иш ҳужжатларидан тортиб, симёғочдаги оддий эълонгача бир бор назар ташлаш билан давлат тилига

кўрсатилаётган эътибор ва муносабатнинг қай даражада эканини осонгина билиб олиш қийин эмас.

Ичқарида узок йиллар давомида шаклланиб келган бундай муносабат хориждаги баъзи бир кимсаларнинг геосиёсий мақсадларини амалга ошириш учун яхшигина дастак вазиғасини бажаришга қўл келаятиганини шу билан изоҳлаш мумкин. Шундай бўлгач, бу каби салбий ҳолатларга муносиб қаршилик кўрсатиш, давлат тилини қонуан ҳимоя қилиш бўйича жиддий ҳаракат кузатилмапти.

Бугун бир миллатнинг, қарийб 35 миллионга етган катта бир халқнинг давлат миқёсида расман қабул қилинган давлат тилига қаратилган гоёвий курашларга қарши фақатгина баъзи бир шахсий фикр-муносабатлар билдириш билангина қифояланилди. Бу эса, ўз навбатида четдаги ғаразўйларга навбатдаги мафкуравий ҳужумни амалга ошириш учун йўл очик эканини кўрсатиб қўйди. Ғаламислар эса, бу билан миллатнинг шаъни, ор-номуси, қадрияти ва қонуний ворислигига тап тортай дахл қилиш ҳуқуқини қафолатлаб олди.

Бизда кейинги ўттиз йил ичида бошқа давлатларнинг давлат тилига муносабати борасидаги илгор тажрибалари ўрганилмади. Улардаги ўзимиз учун эътиборли жиҳатлар амалиётга жорий қилинмади. Ўзбек тилининг маҳв бўлишини ҳаёт-мамонт масаласи деб қараган Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий каби тарихий илдишларимизнинг эзгу анъаналари давом эттирилмадигина эмас, балки буткул эсга олинмади.

Эндиликда мазкур соҳада йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этиш имкони пайдо бўляпти. Бундай вазиятда ишни қандай ташкил қилиш, нимадан бошлаш ва қайси жиҳатларга биринчи галда эътибор қаратиш каби масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бир қарашда бир-биридан муҳим тақлифлар ўртага ташланапти. Давлат тили, ўз она тилимиз тўғрисида қайгуриб, уни бузганларга, хурмат қилмаганларга моддий жазо – жарима қўлламоқчи бўляпмиз. Аммо масаланинг бошқа томонини ҳам ёддан чиқармаслик зарур. Жаримани тўлаб қўйган мансабдор бизнинг ўзбек тилимизни, давлат тилини истаган қўйиға солавериши мумкинлигини эсдан чиқармаслик лозим. Бундай бўлса, давлат тили ҳозиргидан кўра таҳқирлироқ аҳволга тушиб бориши ҳам ҳеч гап эмас.

Агар бузғунчиликлар жарима қўллаш билан тўхтаганида дунёда биронта ёмонлик қолмаган бўларди.

Давлат тилининг қонуний мақомини амалда таъмин этиш бу катта тизимли фаолиятни тақозо этади. Мазкур тизимни стратегик жиҳада узокни кўзлаган ҳолда яратиш ҳамда уни йиллар давомида ҳаётга тадбир этиб бориш зарур.

Ҳусниддин БЕРДИЕВ

Мана шу каби омиллар ҳаммаси йиғилиб омманинг давлат тилига бўлган муносабатини белгилаб берди. Аввал эътиборсизлик, кейин бироз бепишандлик, охири-оқибатда эса хурматсизлик қарор топди. Айни шу сабабга кўра, бугун идора, қорхона ва ташкилотлардаги расмий иш ҳужжатларидан тортиб, симёғочдаги оддий эълонгача бир бор назар ташлаш билан давлат тилига кўрсатилаётган эътибор ва муносабатнинг қай даражада эканини осонгина билиб олиш қийин эмас.

КОРОНАВИРУС

«Яшил» ҳудудда тиббий ниқоб тақмаса бўладими?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги штабида Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Ботир Қурбонов фуқароларни қизиқтирган бир қатор саволларга жавоб қайтарди.

1 Даволаниш учун шифохонага борганда коронавирус инфекциясига текширилганлик тўғрисида маълумотнома сўралиши тўғрими?

– Йўқ, даволаш-профилактика муассасаларига даволанишга ва туғруқ мажмуаларига қабул қилишда коронавирус касаллигига текшириш талаб қилинмайди.

Факат коронавирус юқиш эҳтимоли юқори бўлган қуйидаги шахслардан биологик намуна олиниб, ўрнатилган тартибда текширилиши белгиланган:

- бемор билан бирламчи (яқин) мулоқотда бўлган шахслар;
- иккиламчи мулоқотда бўлган шахслар;
- хорижий давлатлардан келган шахслар;
- тиббиёт ходимлари.

2 Нега Тошкент шаҳри беморлар сони қўнғилига қарамай, «сарик» ҳудуд бўлиб қолмоқда? Март-апрель ойларида кунлик касаллар сони ҳозиргидан кам бўлса-да, катъий карантин чоралари қўлланилганли?

– Тошкент шаҳрида касаллик қайд этилган маҳалла, мавзе, даҳа ва йирик объектлар бўйича карантин чекловлари ўрнатилмоқда. Унга кўра:

- жами 513 та маҳалла фуқаролар йиғинидан 42 таси — «қизил» ҳудуд;
- 132 таси — «сарик» ҳудуд;
- 339 таси — «яшил» ҳудудга ажратилган.

Тошкент шаҳри пойтахт эканлиги ҳисобга олиниб, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ислохотлари ва ҳаракатларига таъсир қилмай, тадбирларни манзилли белгилаш тизимли тарзда амалга оширилмоқда.

3 «Яшил» ҳудудда тиббий ниқоб тақмаса бўладими?

– Республика махсус комиссияси ҳулоасига кўра, ҳудудларда тоифаланишдан қатъи назар қуйидаги тартибга риоя қилиниши шарт:

- жамоат жойлари ва тадбиркорлик фаолияти объектларида ижтимоий масофани (2 метр) сақлаш;
- фуқароларнинг тиббий ниқобдан фойдаланишлари;
- уч кишидан ортқ йиғилмаслик;
- антисептик воситалардан фойдаланиш.

4 8 июндан автобуслар қагновви йўлга қўйилди. Одамларнинг касаллик юктириб олиш хавфи қатта эмасми?

– Жамоат транспортларига қуйидаги талаблар белгиланган:

- транспорт воситасини якуний йўналиш нуктасида дезинфекция қилиш;
- автобус салонига фақатгина тиббий ниқоблардаги йўловчиларни киритиш;
- ҳайдовчиларни тиббий қўлқоп ва тиббий ниқоблар билан таъминлаш ҳамда уларнинг мунтазам равишда ўз вақтида алмаштириб борилиши чораларини кўриш.

5 15 июндан умумий овқатланиш жойларига рухсат берилди. Бунда нималарга риоя қилиниши керак?

– Умумий овқатланиш объектлари фаолияти тикланишига қуйидаги талаблар белгиланди:

- банкетлар ва бошқа оммавий тадбирларни ўтказишга йўл қўймаслик;



- фаолиятини 8:00 дан 23:00 га қадар ташкил этиш;
- столлар оралигидаги 2 метрдан кам бўлмаган ижтимоий масофани таъминлаш;
- бир стол агрофида 4 кишидан кўп бўлмаган (10 кишидан кўп бўлмаган бир ошла аъзолари бундан мустасно) мижозларни жойлаштириш;
- ходимларнинг тиббий ниқоб ва тиббий қўлқопда бўлиши;
- ҳар бир мижоздан кейин стол ва бошқа жиҳозларнинг юза қисмини дезинфекцион воситалар билан тозалаш.

Касалликнинг олдини олиш ва карантин тадбирларига амал қилиш ўз қўлимизда. Илмий асосланган ва барча учун оддий бўлган гигиена қоидаларига амал қилиш орқали касалликдан ҳимояланиш мумкин.

ҚЎШНИЛАРДА НИМА ГАП?

Алматида кўп болали оналар ҳукуматга талаблар қўйди

Кўп фарзандли ўнлаб оналар турар-жой, болалар боғчаси ва иш билан боғлиқ масалалар ҳал қилинишини сўраб 9 июнь куни Алматы ҳокимияти биноси олдида келишди. Шаҳар раҳбарияти билан учрашувни талаб қилган Медеу туманида яшовчи аёлларни ҳокимият биносига киритишмади.

Ўн нафар боланинг онаси эканлигини айтган Гульмира Алижанованинг сўзларига кўра, ижтимоий турар-жой учун навбатлар тезроқ келиши керак, кўп болали оила фарзандларини навбатсиз болалар боғчасига қабул қилиш лозим, кўп болали оналарга эса ўз ишини очишлари учун бегараз кўмак кўрсатилиши керак.

Ҳодиса жойига етиб келган Медеу тумани ҳокими С.Макежанов аёлларга мурожаат қилиб, муаммолари ҳал этилишини айтган. Бироқ ҳоким ҳеч нарсани ҳал қилмагани айтилмоқда. Айни вақтда бир гуруҳ аёллар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги биносига ҳам турар-жой дастурига ўз норозиликларини билдирган.

Ўтган йилнинг март ойида

мамлакат бўйлаб кўп болали оналарнинг чиқишлари бўлиб ўтди. Уларнинг норозиликларига пойтахтдаги бошпанала юз берган ёнғин ва бунинг оқибатида бир оиланинг беш нафар ёш қизи (бу вақтда уларнинг ота-онаси тунги сменада ишлаётган бўлган) вафот этгани сабаб бўлди. Шундан кейин янги турар-жой дастури ишга туширилган эди. Мазкур дастур талабларига кўра, 18 йил муддатга мўлжалланган ипотека кредити турар-жой нархининг 10 фоизи миқдорда бошланғич бадал тўлаш орқали ва йиллик 2 фоизлик тўловлар билан берилди. Дастурни танқид қилувчиларнинг айтишларича, аҳолининг заиф қатламларига бундай кредит тўлови оғирлик қилади.

Туркменистон – COVID-19 бўйича хавфли ҳудуд

Коронавирус қайд этилмагани айтилаётган Туркменистон Deep knowledge group рейтинг бўйича эпидемиологик вазият борасида Марказий Осиёдаги энг хавфли мамлакат дея тан олинди.

Бу рейтингда Марказий Осиё мамлакатларидан Қозғистон 71-ўринни эгаллади, Қирғизистон — 108, Ўзбекистон — 121, Тожикистон 124-ўринда турган бўлса, энг куйи — 131 ўрин гўёки коронавирусга чалиниш ҳолатлари йўқ дея айтиладиган Туркменистонга насиб қилди.

Коронавирус пандемияси фониди энг яхши эпидемиологик вазият рейтингинда Швейцария, Германия, Исроил, Сингапур ва Япония олдинги ўринда турибди. 200 та мамлакат ўртасидаги рейтингнинг энг сўнги ўринлари Либерия, Афғонистон, Чад, Мали, Руанда ва Жанубий Суданга насиб қилди.

Deep knowledge group рейтингини 130 параметрларга асосланиб тузилган бўлиб, унда карантин чораларининг самарадорлиги, мониторинг, диагностика ва соғлиқни сақлаш тизимининг тайёргарлик факторлари эътиборга олинган.

Туркменистон раҳбарияти мамлакатда COVID-19 йўқлигини айтиб келади. Шу билан бирга, ЖССТнинг касаллик профилактикаси бўйича тавсияларига, жумладан оммавий тадбирлар ўтказмаслик ва ниқоб тақишга амал қилмаяпти. АҚШ COVID-19 га қарши профилактика учун Туркменистонга 1,42 миллион доллар ажратган.

Қозғистоннинг собиқ катта амалдори озодликка чиқди

Уч йил илгари «давлат сирини» иши бўйича беш йил камокка ҳукм қилинган Қозғистон президенти администрацияси раҳбарининг собиқ ўринбосари Баглан Майлибаев муддатдан аввал озодликка чиқди.

Пойтахт Жиноят-ижро тизими департаменти (ЖИТД)нинг хабар қилишича, Баглан Майлибаев Нур-Султондаги тергов изоляторидан 30 май куни озод қилинди ва Нур-Султон шаҳрига юборилди. Майлибаев ўзига берилган муддатни адо этмасдан озод қилинди. У яна бир йилу тўрт ой 21 кун жазо муддатини ўташи керак эди, дея ойдinлик киритди ЖИТД.

Баглан Майлибаев 2017 йил 12 январь куни президент администрацияси раҳбарининг ўринбосари лавозимидан озод қилинди. Бир неча кундан кейин миллий хавфсизлик кўмитаси Майлибаевни «Давлат сирларини қонунга зид равишда тўплаш, тарқатиш ва ошқор қилиш» моддасида кўзда тутилган жиноятлари учун уни камокка олгани маълум бўлган эди.

Майлибаев устидан суд ёпиқ режимда ўтган ва мол-мулки мусодора қилиниши билан беш йил муддатга колонияга ҳукм этилиб, давлат идораларида ишлаш ҳуқуқидан умрбод маҳрум бўлган эди.

ТЕХНОГЕН АХЛОҚ ВА ҚАРАМЛИК

Мобиль қурилмалардан ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш болалар саломатлигига зарар етказиши мумкин, чунки улар мобиль қурилмалардан қанчалик кўп фойдаланса, жисмоний ҳаракатлар шунчалик кам бўлади.

Бундан ташқари, уларда ўйинлар таъсири остида кўпинча онгсиз равишда ҳаракатлар, овқатланиш рационининг бузилиши ва бошқа зарарли одатлар орғтириб олиниши мумкин. Болалар ушбу экранлар олдида кўпроқ вақт сарфлашар экан, ташқарида ўйнаш, югуриш ва қабул қилинган калорияларни ёқиш учун камроқ вақт сарфлайди. Вақт ўтиши билан бу одатлар жиддий вазн орғишига ва соғлиқ билан боғлиқ бошқа муаммоларга олиб келиши мумкин.

Тан олишимиз керак, ўзимиз билмаган ҳолда кўпчилигимиз аллақачон технология, интернет ёки ўйинларга одаланиб бўлганмиз. Фарзандларимиз ва ўзимизни бундай зарарли таъсирлардан химоя қилишнинг қўллаб-қувватлаш мавжуд. Келинг, аввало технологияларга қарамлик нима эканлигига қизиқиш кўрсак.

Технологияларга қарамлик: бу компьютер, интернет, видео ўйинлар ва мобиль қурилмалардан меъридан ортиқ фойдаланиш натижасида инсон технологиянинг зарарли таъсирига дучор бўлишидир. Смартфон, планшет ёки компьютер шубҳасиз ҳаётимизнинг жуда катта самарали воситалари ҳисобланса-да, баъзан улардан фойдаланиши, мактаб, соғлиқ ва маъ-



навиятимизга жиддий таъсир қилишига гувоҳ бўлмоқдамиз. Гоҳида руҳий тушқунлик одамларни интернетга ва технологияга қарамликка олиб келади. Муаммоларнинг олдини олиш учун интернет ва технологияларга кўпроқ вақт сарфлайдиган одамлар доимо технологияга қарам бўлиб қолади.

Албатта, технология асида муаммонинг асосий манбаи эмас. Юқорида таъкидлаганимиздек, бундай муаммоларнинг сабаби технологиядан ҳаддан ташқари (онгсиз) равишда фойдаланиш ҳисобланади. Техноген цивилизациянинг инсон манфаати учун фойда келтириши ҳеч ким рад этмайди. Бундан ташқари, технологиядан тўғри маънода

фойдаланиш, ҳеч кимга зарар келтирмайди ва аксинча фойдали ҳисобланади. Ҳозирги глобаллашув даврига келиб фан ва техника ютуқларининг изчил қўлланилиши ва равақ топиши, айниқса, ёшлар ижтимоий ҳаётида янги сифат ўзгаришларини вужудга келтирди. Бундай сифат ўзгаришлари мамлакат иқтисодийтини янада такомиллаштириш – давр талаби даражасидаги вазифа қилиб қўймоқда. Оқибатда техноконцепция концепция техникани ҳар доим инсонга ижобий таъсир кўрсатишини ишончли асослайди. Илмий тараққиёт ва техника ютуқлари инсонга қўллаб-қувватлаш очиб, уни улкан миқдорда моддий бойлик билан таъминлайди.

Техноген цивилизация айни кунда ҳаётимизнинг мазмунига айланиб бўлган. Техник воситалар орқали биз яқинларимиз, дўстларимиз, қариндошларимиз, билан узоқда туриб бемалол суҳбатлаша оламиз, интернет орқали турли хил маълумотларни топа оламиз. Энг бахтли онларимизни суратга, тасвирга олишимиз мумкин, жуда кўп маълумотларни телефон хотирасига юклаб олиб, бу маълумотларни бемалол бошқа кишиларга етказиб берамиз, ҳаттоки ер шарининг бир бурчагида туриб иккинчи бурчагидаги одам билан қандай воқеалар юз бераётганини билиш имкониятига эгамиз. Умуман олганда, техноген жамият ҳаётимизни анчагина енгиллаштирди. Интернет технологиялар: масофадан ўқитиш, электрон кутубхоналар, телемедицина, телеметрия, электрон тадбиркорлик, электрон магазинлар ва бошқалар. Хусусан, таълим тизимида пандемия шароитида сезиларли ўзгаришлар рўй берди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб муаммоларни бартараф этиш учун қуйидаги тавсияларга амал қилишимиз лозим:

Биринчидан, барча замонавий техник воситалардан фойдаланишда ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қатъий вақт меъёрига амал қилиш ва ота-оналарнинг технологиялардан фойдаланиш маданиятини, ҳагги-ҳаракатларининг фарзандларга салбий таъсир этмаслигини назорат қилиш.

Иккинчидан, техник воситалардан фойдаланиш оралиғида мусиқа эшитиш, газета ва журнал мутолаа қилиш, китоб ўқиш, ёки шеър ёзлаш, жисмоний ҳаракатли ўйинлар ўйнаш мақсадга мувофиқ. Чунки, шеър ёзлаш инсон хотирасини мустаҳкамласа, китоб ўқиш унинг бадиий савиясини, нуқтини раван қилса, жисмоний ҳаракатлар эса уларнинг орқикча вазн орғитмасликларига сабаб бўлади ва ҳокзо.

Учинчидан, ҳозирги кунда ёшларнинг онгани «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан химоялаш мақсадида компьютер саводхонлиги ва интернетдан фойдаланиш маданиятини ўргатишдан ва уларни ёлғиз ва эркин интернетда ишлаш мумкин бўлган хоналарда қолдирмаслик, уларнинг интернетдан смартфонлардан фойдаланиш одатларини кузатиб бориш ва шу тарзда, биз хавфли вазиятлар ҳақида хабардор бўлишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, таълим-тарбия самардорлигини оширишда техноген цивилизация ютуқларини қўллаш зарурати ижтимоий фаол, ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашни бош мақсад қилиш, барчамизнинг вазифамиз эканини унутмаслигимиз лозим.

Отабек ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент давлат юридик
университети ўқитувчиси
ЎЗА

АЙТДИМ, ҚҲЙДИМ-ДА...

ЙЎЛАК ОХИРИГАЧА ЕТИШИ УЧУН ЯНГИ БУЙРУҚ КЕРАКМИ?

Тоza ҳавода яёв юриш, велосипедда учиш инсонга ўзгача кайфият бағишлаши маълум. Бу саломатлик учун ҳам қони фойда бўлиб, инсонни кўп хасталиклардан асрайди, иродани чинқиради. Айниқса, пандемия тўғрисида шахарда уч ойга яқин вақт давомида автобус ҳаракати тўхтатилди. Бу пайтда зарурат юзасидан кўчага чиққанлар пиёда юришни кундалик машғулотига айлантирди.

Мен ҳам Юнусободдаги уйимдан то Олой дехкон бозори ёнидаги ишхонамгача бўлган масофани яёв босиб ўтишни одатга айлантирдим. Пойтахтимизнинг энг гавжум ва серкатнов йўлларида бири бўлган Амир Темур шох кўчаси. Бу йўл бўйлаб жойлашган Анҳор бўйлари, Шахидлар хотираси хиёбони, Тошкент телеминосра атрафдаги бетакрор манзаралар ҳар бир кишини ўзига мафтун этади. Шахристон (Чинобод кўчаси чорраҳаси)дан то Кичик ҳалқа йўли ўтган қўприқкача бўлган масофани ҳеч қўналмасдан босиб ўтасиз. Сабаби бу уч бекал оралиғида йўловчи ҳамда велосипедда

юрувчилар орзусидаги йўлак қурилган. Соз, бир текис, қадам ташлаганда пойабзал орқикча сирғалмайди. Аммо Юнусободгача бориши керак бўлган мана шу йўлак охиригача етмай, чала қолиб кетди.

Йўлак қурилиши керак бўлган жойлар ҳозир ўнқир-чўнқир, ғадир-будир, чанг-ғуборга кўмилиб ётибди. Бу йўлакнинг эгаси борми? Нега мутасаддилар ханузга қадар йўловчи ҳамда велосипедлар юриши учун зарур бўлган махсус йўлак қурилишини чўзиб келяпти?

Айбдорни изласангиз, бу ишга бевоисита масъул ва жавобгар бўлган

идоралар шахар ҳокимлигига, у ердигилар эса яна бошқа идораларга тўнкаса керак хойнаҳой? Аррани тўғри тортди, йўлакни тезроқ охиригача етказишга жавобгар ташкилот эса ҳозирча топилмаяпти.

Мисол учун, ҳозир Юнусобод туман ҳокимлиги биносидан юқорида айтилган қўприқкача бўлган масофада йўлак йўқ. Шахристондан то Юнусобод дехкон бозорига қадар бўлган оралиқда ҳам бу ишни давом эттириш негадир курувчиларнинг «эсидан чиқиб» қолган.

Мамлакат Президенти Тошкент шахридаги мавжуд кўчалар четида йўловчи ва велосипедда юриш учун махсус йўлақлар қурилиши лозимлигини ўз чиқишларида бир неча бор таъкидлаган эди. Амир Темур шох кўчаси бўйлаб шундай йўлак қурилишига ҳам ўша кезларда шахд-шиддат билан киришилди, орадан сал фурсат ўтгач бу иш чала қолиб кетди.

Ёки фақат «кўз тушадиган» жойлар қилиниб, гўё топширикни «уддалашди».

Бундан йўловчи ҳамда велосипедда юрувчилар озор чекмоқда. Махсус йўлак бўлиши керак бўлган жойлар ўнқир-чўнқир, ғадир-будур. Йўловчи эмин-эркин, бемалол юришига ҳалакат беради. Юнусобод бозоридан «Мега планет» савдо мажмуасигача бўлган масофанику айтмаса ҳам бўлади. Йўл четларида чиқиндилар уюб ташлаш доимий одатга айланган. Қизиги, бундай ахвол неча йилдан бери муттасил давом этиб келмоқда.

Йўловчилар ва велосипед учун махсус йўлақларни нафақат Амир Темур шох кўчасида охирига етказиш, балки пойтахтнинг бошқа йўлларида ҳам бу ишни изчил давом эттириш фурсати аллақачон етган. Бу билан аввало одамларнинг соғлом турмуш тарзига муносиб ҳисса қўшилади, қолаверса шахар ҳавоси мўътадиллигини таъминлашда, автомашиналар ҳаракатини қамайтиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
«Оила даврасида» муҳбири

«УЗР, БИЛМАЙ ҲАЖВ ҚИЛИБ ҚҮЙИБМИЗ...»



Шу кунларда ижтимоий тармоқларда Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙҲХББ ахборот хизмати томонидан тайёрланган «Ҳазилнинг таги «зил» бўлмасин», «Машаққатли меҳнатни мантиқсиз ҳазилга йўманг» сарлавҳали видеоматериаллар тарқалди. Видеоларда телеканалларда чиқишлари билан танилиб улгурган «Шўрданак» ва «Қалпоқ» ҳажвий кўрсатувлари ижодкорлари ЙҲХ ходимларини ҳажв қилишгани учун «сўроқ» қилинишган ва улар «хатога йўл қўйишгани»ни билдиришиб, узр сўрашган.

Ушбу ҳолат ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари ва журналистлар ўртасида кескин муҳокама қилинди.

«ЙҲХ ходимларини ҳазил қилиб чиққан «Шўрданак» ва «Қалпоқ» узр сўрабди. Ўзи фақат шулар қолувди. Мен эса тушунмадим? Ахир бу ижод-ку, ҳазил кўрсатув-ку! Бадиий тўқималар, мутойиба чиқишлар учун ҳам узр сўрайдиган тамаддун босқичига етиб келдикми? Ҳазил асарлар, умуман бадиий ижод эвазига асос, манба талаб қилинадими?..» деб ёзди таникли журналист Анвар Намозов.

«Ижодкорларни мана шунака узрхолик билан чиқишга мажбур қилишгани шармандаликдан бошқа нарса эмас. Улар ҳатто энди шунака ижод қилсак, тегишли органларга кўрсатиб оламиз деб ваъда қилишмоқда. Ахир бу цензура, конунга зид-ку! Хозир Абдулла Қодирий тирик

бўлганида қанақа аҳволга тушарди, ёзган ҳажвясияю фельетонлари туфайли умрининг охиригача узр сўраб ўтармиди...» деб ёзди Хусниддин Бердиев ўз саҳифасида.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Ахборот хизмати томонидан ушбу ҳолат юзасидан қуйидагича муносабат билдирилди:

«Ижтимоий тармоқда ИИБ ЙҲХББ Ахборот хизмати томонидан «Ҳазилнинг таги «зил» бўлмасин» деб номланган видео тарқалди. Унда, «Шўрданак» ва «Қалпоқ» ҳажвий гуруҳларининг ИИБ ходимлари ҳақида қилинган юмористик роликлар учун кечирим сўрагани акс этгани оммалашмоқда, шу билан бирга маданият вазирига ҳам фейсбук ижтимоий тармоғи орқали «Сўз усталари худди ёмон иш қилиб қўйгандек, бошини ҳам қилиб узр

сўрапти. Агар кимнингдир шахсиятига тегишган бўлса, ИИБ судга берсин. Улар ўз ишини қилган! Юмор қилди, кулдириди. Энди врачлар, ўқитувчилар, тракторчилар чиқадими, «биз ҳақимизда аския қилманг!» деб? «Вазирлик комиссия тузиб ўргансин. Ахир ҳар икки саҳна асари бадиий тўқимаку? Хулосасини ИИБга берсин! Маданият вазиридан жўяли жавоб кутамиз»

Энди врачлар, ўқитувчилар, тракторчилар чиқадими, «биз ҳақимизда аския қилманг!» «Вазирлик комиссия тузиб ўргансин. Ахир ҳар икки саҳна асари бадиий тўқимаку? Хулосасини ИИБга берсин!»

каби мурожаатлар Маданият вазирига очик йўлланди.

Маданият вазирига вазирлик юзасидан «Шўрданак» ҳажвия гуруҳининг вакили билан суҳбатда бўлганида, бу масала юзасидан фикр билдириши улар истамади.

Шу билан бирга, Мадани-



ят вазирига ҳажвия, сатира, аския борасида санъат ва ижодни чегараламасликни

иллатларни даволашга қаратилган мавзулар ёки воқеалар намоён этилса, уни ҳеч нарса билан йўқ қилиб бўлмайди.

Тарихга бир назар солсак, ўзбек ҳажвий адабиёти сермазмун тарихга эгадир. Ҳажв, сатира-воқеликни акс эттиришнинг алоҳида ғоявий-бадиий принципи сифатида барча цивилизациялашган халқлар адабиёти, шу жумладан ўзбек халқининг ҳам оғзаки ва ёзма ижодларида қадимдан катта ўрин олиб келган. Ижтимоий иллатларнинг кулгили танқиди бўлган сатира ўзбек халқ ижодида ҳам кенг тарқалган эди. Насриддин афанди, Алдар кўса каби тўқима образлар ҳажвий, миллий қаҳрамонлар ўз замонасининг иллатларини халқ орасида аскиялар ва ҳажвиялар билан намоён эттиришган. Қадимдан халқни ичида ҳажвия, сатира, аския каби юмористик ижодлар кенг тарқалиб, оммалашган.

Хуллас, маданият ва санъат соҳасида чекловлар қўйилса, у ҳеч қачон ривожланмайди».



ОРОЛДА ТИРИКЛИК НИШОНАСИ



Ҳар бир қийинчиликнинг ортида бир офият ва зғулик бўлиши ҳақида муқаддас битиклар тафсирида кўп сабоқ берилган. Юртимизда содир бўлган табиий офат, кучли ёғингарчиликлар қанчалик мушкул аҳволга солиб қўймасин, элдошларимиз барини сабр-мадонат билан энгиб ўтмоқда. Албатта, бунинг мукофоти биз ўйламаган жойда ҳозир бўляпти.

Деярли чорак асрдан буён мамлакатимиз минтақанинг кучли экологик муаммоси саналмиш Орол денгизининг куришига қарши курашиб келади. Денгизни сувга тўлдириш бўйича қанчадан-қанча лойиҳалар ишлаб чиқилди. Уларнинг ҳеч бири сезиларли натижа бермагани ҳаммага аён. Бироқ дилдаги умид ва эътиқод бугун ўзининг самарасини кўрсатмоқда.

Қорақалпоғистон телевидениеси Орол денгизига сув


қилиб кела бошлагани ҳақида хабар тарқатди. Намойиш қилинган тасвирда денгиз суви икки хил кўринишда акс этган: мовий ва лойқаранг сув бир-бирига қоришиб кетмасдан яққол кўзга ташланиб турибди.

Ушбу ҳолатни мўйноқлик балиқчилар ўтган hafta ўрталарида тасвирга олгани айtil-моқда.

Эслатиб ўтиш ўринлики, тарихий манбаларда Орол денгизи минг йиллик мобайнида бир неча марта қуриб, яна тўлиб-тошгани ҳақида маълумот-

лар учрайди. Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг «Жўгрофия» асарида Орол Хоразм денгизи, яъни ҳозирги Каспий сув ҳавзасига қўшилган ҳолда тасвирланади. Абулғози Баҳоидирхон эса «Шажара турк» китобида ўзи дунёга келишидан сал илгари Жайхун (Амударё)нинг ўз узанини ўзгартириб, Орол денгизига қуйила бошлагани ҳақидаги маълумотларни келтирибди.

Ақсарият олимларнинг тадқиқотларида XX асрнинг ўрталарига келиб Орол халоқа-



ти унинг ўз тарихида тўртинчи бор қуриши экани таъкидланади.


Икки йил муқаддам денгизда 16 метр айланага эга сув пўртанаси ҳосил бўлгани ҳақида хабар тарқалган эди. Бу эса унинг ўта сирли ва қўллаб ажойиботларни ўз бағрига яширган сув

ҳавзаси эканидан дарак беради. Маълумот ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, собик иттифок даврида Орол денгизи Мўйноқ шаҳридаги энг катта балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш комбинатининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этган.

Пўлат ЭРМАТОВ

МИНТАҚАДАГИ НОЁБ КОЛЛЕКЦИЯ

« 350 мингдан ортиқ ҳашаротлар намунаси – Марказий Осиёдаги энг катта энтомология коллекцияси айнан мана шу ерда сақланади. Ява ва Суматра оролларида йиғилган тропик капалаклар ушбу музей фондининг асосини ташкил этади. Ўзбекистон Давлат табиат музейи худди шундай ноёб масканлардан бири.



лаб-асраб, келажак авлодга отказини музейнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Энтомология фанига тааллуқли экспонатлар захирасини тўллаш ишлари музей ташкил этилганидан буён амалга ошириб келинади. Музей энтомологик коллекцияларини турли йилларда олимлар томонидан Тянь-Шан, Каржантов, Қизилқум чўллари, Сирдарё тўқайларидан йиғиб келтирилган ранг-баранг ҳашаротлар ташкил қилади.

Музей зоология фонди ўз ичига турли ҳайвонларнинг мингдан ортиқ тулумлари, тухумлари коллекциясини камраб олган бўлиб, жами 4 мингга яқин намуналар сақлаб келинмоқда. Геология фондида 2 мингга яқин минерал ва фойдали қазилмаларнинг намуналари мавжуд.

Ўтган йилларда «Туवालуклар» диорамаси, «Фойдали қазилмалар» ва «Ўзбекистон йирткич қушлари», «Тарихий геология» экспозициялари тақомиллаштирилиб, янгиланди.

Музей томонидан 2018-2019 йилларда 5-15 ёшгача бўлган болалар ўртасида бир неча бор турли экологик мавзулар бўйича ижодий ишлар танловлари эълон қилиниб, ёшларнинг 350 дан ортиқ

ижодий ишлари намуналари қабул қилинди ва кўргазмалар ташкил этилди. Ўтган йили реэкспозиция ишлари давом эттирилиб, болажонларимиз учун махсус «Эртақлар оламига саёхат» мини-музейи экспозицияси яратилди.

Махаллий ва хорижий ташриф буюрувчиларга музей томонидан хизматларни кенгайтириш мақсадида, 2018 йил ҳар бир экспонатга лотин алифбосидаги ўзбек тилида ва инглиз, рус тилларида этикеткалар яратилди. Эндиликда QR-код кўринишда маълумот-этикеткалари яратиш ишлари олиб борилмоқда. Натижада хорижий меҳмонлар мобил телефон QR-код сканер иловасидан фойдаланган ҳолда музейнинг ҳар бир экспонати қаҳида ўзбек, инглиз, рус тилларида маълумотлар олиш имконига эга бўлади.

Музей ходимлари томонидан реэкспозиция ишлари давом эттирилиб, навбатдаги музей экспозицияларини мавзули-экспозицион режалари ва концепциялари устида иш олиб борилмоқда.

Муқаддас РИХСИЕВА,
Ўзбекистон Давлат табиат музейи кўргазмалар бўлими илмий ходими

Ушбу музей ташкил этилиш тарихи 1876 йил 12 июль ҳисобланиб, «Тошкент музейи»дан бошланган. Кейинчалик турли йилларда музейнинг номи ўзгарган. Ўзбекистон Давлат табиат музейи 1963 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидан чиқарилиб, Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги тасарруфига ўтказилди ва музей илмий ходимлари асосий эътиборни илмий-маърифий ва маданий-оммавий ишларни кучайтиришга қаратдилар.


2007 — 2010 йилларда Ўзбекистон Давлат табиат музейида сақланиб келинаётган ноёб экспонатлар кўргазмаси Ўзбекистон Маданият ва санъат кўргазмаси залларида фаолият юритди. Ҳукуматнинг 2007

йил 6 июлдаги фармойишига асосан эса музейнинг янги экспозициясини яратиш ишлари амалга оширилиб, 2010 йил «18 май – Халқаро музейлар куни»да Ўзбекистон Давлат табиат музейи янги бинода ўз фаолиятини бошлади.

Шундан сўнг музейда илмий ходимларнинг илмий изланишлари натижасида мавзули-экспозицион режалар ишлаб чиқилди ва шу асосда «Сайёраларнинг пайдо бўлиши», «Ерда ҳаётнинг ривожланиши», «Антропология ва палеонтология бўлими», «Умумий биология», «Генетика ва селекция», «Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида пахтачилик ва дон экинлари», «Экология» экспозицион зал-

лари ва диорамалари яратилди. 2014 йилда музейга ташриф буюрувчиларнинг сони ошганлиги натижасида янги яратилган мавзули-экспозицион режа асосида музей ходимлари томонидан янги «Фойдали қазилмалар», «Ўзбекистоннинг чўл ҳудудлари», «Ноёб ҳайвонлар» экспозицион заллари, 2015 йилда «Ёнғоқзор», «Тўқайзор» диорамалари ва «Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган ҳайвонлар» биогурӯхи экспозицион зали, кейинчалик эса музейнинг иккинчи қаватида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига бағишлаб «Мустақил Ўзбекистон», «Ўзбекистон кўриқхоналари ва миллий боғлар» ҳамда «Ҳашаротлар экспозицияси» экспозицион заллари очилди.

Музей ривожланиш тарихи давомида бой фонд захираси шаклланди. Олимларнинг фикрича, йиғилган ноёб ҳашаротлар коллекцияси, табиатда йўқ бўлиб кетаётган флора ва фауна намуналари музей фондида сақланиб келинаётгани – халқимизнинг бойлигидир ва бу коллекцияларни авай-



АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

Бу ишга қимлар жалб этилади?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонида асосан, мустақиллик йилларида ilk марта аҳолини рўйхатга олиш ўтказилади.



Рўйхатга олиш жараёни қандай амалга оширилади ва қанча муддатни ўз ичига олади?



Аҳолини рўйхатга олиш ишларига қимлар жалб этилади?

Республика миқёсида аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати ходимлари иштирок этади, ҳудудларда ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, материалларни автоматлаштирилган

ҳолда қайта ишлаш, дастлабки яқунларни сарҳисоб қилиш ва натижаларни эълон қилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар статистика бўлиmlари ходимлари жалб этилади.

Алоҳида даврларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қўлланма ва маълумотнома ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, аҳолини рўйхатга олишни молявий ва моддий-техник таъминлашда ҳисоб-китобларни тайёрлаш учун қўшимча равишда шартнома асосида штатда бўлмаган юқори малакали мутахассислар вақтинчалик жалб этилади.

Уйма-уй юрган ҳолда бевосита аҳолини рўйхатга олиш жараёнлари амалга оширилади ва аҳоли тўғрисида маълумотлар йиғилади.

Аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш 10 кундан 60 кунгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Аҳолини рўйхатга олиш бир неча кун давомида ўтказилса ҳам, маълумотлар аниқ бир вақтда – аҳолини рўйхатга олишнинг биринчи кунининг «0» соатдаги ҳолати бўйича қайд этилади.

олишнинг биринчи кунининг «0» соатдаги ҳолати бўйича қайд этилади. Бу аҳолини рўйхатга олишнинг нозик вақти, деб ҳам аталади.

Аҳолини рўйхатдан ўтказиш натижасида олинган маълумотлар ижтимоий-иқтисодий жараёнларни прогноз



қилиш, бандлик соҳасидаги сиёсатни белгилаш, ижтимоий сиёсат ва аҳоли саломатлиги бўйича дастурларни яратишда, шунингдек, давлат ҳокимияти органларининг вазифаларини бажариш, фан ва жамятни ахборот билан таъминлаш учун зарурдир.

Дилшод ТУРСУНҚУЛОВ,
Урғут туман статистика бўлими бошлиғи

ЎЗИНГИЗНИ ТАНИТУВЧИ АСАР

Жалолитдин Румий асарларини ўқир эканмиз, аввало, бу ҳаётнинг моҳиятини, ўзликини англаш, инсоннинг ҳаётдаги ўрнини ўзи белгилаши кераклиги, энг хавфли душман бўлиши нафси энгиш ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилади. Шу жумладан, Румийнинг «Ичиндаги ичиндадир» асари бу қарашларнинг мукамал таснифи келтирилган ноёб китобдир.

Бу асар инсонни фикрлашга, фикрлаш орқали ўзлигини, ўзлиги орқали Ҳақнинг амрини тушунишга ундайди. Шунинг учун ҳам «Ичиндаги ичиндадир» асарига бир марта ошно бўлган фаросат эгаси борки, ундан умрбод айрилмасам, дейди. Чунки бу асар ўша инсон ҳақида — сиз ҳақингизда, мен ҳақимда, умуман, ҳаммамиз ҳақимизда.

«Олам — бир кўпик. Авлиёлар билимлари — денгиз. Денгизнинг дури қасрда? Бу олам ҳас-ҳашак билан тўлган кўпикдир, фақат бу кўпик денгизнинг чайқалишидан, ўйноқлашидан ва кўпириб қайнашидан покланади, софланади, гўзаллашади...»

Румий ҳазратлари инсонларга қарата бу оламни бекорга «кўпик» деб таърифламайди. Бунинг замирида дунёга, мол-мулкка, бекорчи нарсаларга, ҳою ҳавасларга кўнгил боғламанг, демокчи. Олам оддийгина бир кўпик экан, ундан кимга қандай фойда бор?..

Билим эса денгизга қиёс этилади. Билимсиз, акл-идроқсиз инсонларнинг кадр-қиммати, иззати, ҳаётнинг эса моҳияти йўқолади. Асарда авлиёлар билими бўлмиш денгиз чайқалиши туфайлигина ҳас-ҳашак билан тўлган бу олам гўзаллашади, покланади, дейилади. Бу билан ҳар бир инсон билим олишга даъват этилади.

«Шундай бир олам борки, уни қидирмоғимиз керак. Бу дунё ва ундаги гўзал, ҳуш нарсалар инсоннинг ҳайвонлик тарафининг

насибасидир. Улар ҳайвонликка куч беради. Асос бўлган инсонлик жиҳати эса кундан кунга заифлашади. Инсон гапирувчи ҳайвондир, дейишади. Демак у икки нарсадан иборатдир. Бу дунёдаги унинг ҳайвонлик тарафининг озукаси шаҳват кўзғатувчи нарсалар ва орзулардир. Инсонлик тарафининг озукаси эса билим, ҳикмат ва Оллоҳнинг жамолидир. Инсоннинг ҳайвонлик тарафи Ҳақдан, инсонлик тарафи эса дунёдан қочмоқдир».

Бу жумлаларни ўқиган ҳар бир инсон умрини бекорга сарфамаслиги, билим, ҳикмат олишдан қарчамаслиги, нафсига кул бўлиб, ўз мақсадларидан чекинмаслиги, ўзлигини англаш йўлида тинмай меҳнат қилиши кераклиги ҳақида чин юракдан ўйлайди, бош қотиради. Аслини олганга ҳаётнинг моҳияти ҳам айнан мана шунда.

Румий ҳазратлари нафси энга олган, ўзини ўзи тарбиялай олган, дунёга кўнгил боғламаган, билим, ҳикмат олишдан қарчамайдиغان, ўзлигини англашга бел боғлаган инсонларни улуғлайди.

«Қуръонда «Инсон ожиз қилиб яратилгандир», деб буюрилади. Амр этилганидек, инсон дастлаб ушқоқина, заиф бўлади, бироқ шу заиф учқунни парвариш этсанг, гуркираб оламни ёқад».

Китоб бу каби ҳаётимизнинг тамал ҳикматиға айланган жумлалар билан тўла. Уларни ўқиш, уқиб ва ундан етарлича насиба олиш эса ўз ҳимматимизга боғлиқ.

Дилбар ФАЙЗИЕВА



Қисқагина матнга олам-олам маъно жойлаш мумкин. Истеъдод деб шуни айтаемиз. Маҳорат деганлари ҳам худди шунинг ўзгинаси.

«ЧУМОЛИЛАРГА БУВИМ ҲАҚИДА ГАПИРИБ БЕРДИМ...»

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, таниқли адиб Эркин Малик ижодида бундай ҳикоялар жуда кўп. Шунинг учун бўлса керак, ёзувчи нафақат китобхонлар даврасида, балки «виртуал оламда» ҳам машҳур.

Адибнинг шундай ҳикояларидан бири «Чумолининг ини» деб номланади.

Қиш кунларида ўтинга қийналиб қолган, чойни ҳам похолу гўзапоё ёқиб, қумғонда қайнатадиган ҳовлида кекса дардманд бувининг кўнгли самоварчой тусаб қолади. Ҳаммаёқ қор, аксига олиб, уйда тирноқдек тараша ҳам бўлмайди. Воқеадан хабардор ён кўшни каттагина бир тўнқани чиқариб беради. Тўнқага чумоли ин қурган экан. Икки-учтаси оппоқ қор устига думалаб тусади. Уларнинг ўлик-тириклиги сезилмас,



қишки уйқуда бўлса керак. Набира бун кириб бувисига айтади:

— Хай-хай, — дейди буви ётган жойида бир аҳволга тушиб, — самоварчой ичмай мен ўлай, тўнқани тек қўй, баҳоргача қимирлатманглар, чумолининг ини бузилмасин-а.

«Бу гапдан севишиб кетдим. Баҳор келди. Чумолилар тўнқа ичидан қиқиб, аста-секин ҳар тарафга ўрлаб кетишди. Аммо бу пайтда бувимлар оламдан ўтган эдилар. Мен чумолиларга бувим ҳақида гапириб бердим...»

Эркин Маликнинг «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан чоп этилган «Танланган асарлар»ида ана шундай мўъжаз ҳикоялар жамланган. Уларни ўқиган ўқувчи яхшиликнинг тотини, олижанобликнинг тароватини, меҳрнинг лаззатини, ғайбатнинг саодатини, виждоннинг ҳаловатини, саховатнинг нуруни ҳис қилади.

«ПОРТОБЕЛЛО ЖОДУГАРИ»

Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи «Алқимёгар» асари билан доврўғ қозонган машҳур ёзувчи Пауло Козьлонинг «Портобелло жодугари» асарини қайта чоп этди.

Инсон ишонч билан яшаш учун жасоратни қаердан олади? «Портобелло жодугари» асарида ана шу саволга жавоб топиш мумкин. Асарда Руминияда лўли оиласида туғилиб, байрулик ўзига тўқ хонадонда улғайган Ширин Халилнинг муҳаббат, азоб, машаққат ва мураккабликлар гирдобиди Афинага айланиши маҳорат билан тасвирланган.

Асарни Шухрат Сатторов таржима қилган. Китоб Наврўз Бекмурод муҳаррирлигида нашрга тайёрланган.



«АЛАМЛИ ДУНЁДА АЛАМЛИ ГУЛИМ»

Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг «Аламли дунёда аламли гулим» номли янги китобини чоп этди.

Унда шоирнинг қарийб қирқ йилдан ортиқ ижоди орасидан севги, муҳаббат, соғинч ва армон туйғуларини тараннум этган шеърлари жамланган.

Китоб замонавий кўринишга эга. Тўплам Санжар Турсунов ва Жўрабек Жаҳон муҳаррирлигида нашрга тайёрланди.




МАНГУ ЁНАДИГАН ФОНУС

Подъездимизга бир онахон кўчиб келди. Уни ҳамма хола деб қаққарди. Ёши саксон еттида. Юзларидан нур ёйилиб турадиган бу онахон ҳаммиша хушқайфиятда юрарди. У мен учун ҳаммиша энг фикри тиниқ инсон бўлиб қолади...

Уйимизга кўчиб келган куннинг эртаси куни хола қаватимиз ва подъездимизни тувакдаги гуллар билан безатди. Гулларни кўрган кишининг бахри-дили очилади. Эртасига у ўстирган гулларнинг гўнчаларини ўғирлаб кетишди. Ўша гўнчаларни метро ёнидаги гул дўконидида кўрганлар ҳам бўлди. Кўшниллар бу ҳол такрорланмаслиги учун подъезд эшигига қулф осиб, домофон ўрнатилганини тақлиф қилишди. Онахон эса уларга эътироз билдирганча, буюк адибларнинг «виждонни уйғотадиган» иборалари акс этган қоғозларни деворга ёпиштириб, дераза раҳида яна гул кўқартирди.

Подъездга бебош ёшлар ҳар куни келиб туришарди. Хола уларнинг олдига чиқиб, чой ичишга таклиф қилди. Улар онахоннинг устидан роса қулишди. Бу ҳам камдек, у хонасига кириб кетгач, гулларини юлиб, панжараларини қайириб, уй-уйларига тарқатди.

Эртаси куни хола юлинган гуллар ўрнига янгисини экиб, панжараларни тўғрилаб, деразаси раҳида бир-иккита китоб қўйди. Ёшлар келишди. Бақир-чақир қилишди. Аёл қиқиб уларни чой ва ўзи пипирган ширин қулчага таклиф қилди. Иштахани китиклайдиган даражада тотли қулчани йнгитчалар рад



эта олишмади. Улардан айримлари ўқиб чиқини ваъда қилганча ўзлари билан китоб олиб кетишди. Гулларга тегинишмади, панжараларга ҳам. Эртаси куни онахон истаган киши гулларга сув қуя олиши учун елим идишчага сув тўлдириб қўйди. Янги китоблардан олиб чиқини ҳам унутмади. Кечаси ёшлар келиб, бир-бирига сув сепишиб, шўхлик қилишди. Онахон ҳар доимидек уларни чойга таклиф қилди ва идишга сув тўлдириб чиқиб, гулларга сув қўйишни илтимос қилди. Болалар подъездга ҳар куни келадиган бўлишди. Уларнинг шовқинидан безор бўлган кўшниллардан бири милиция қаққиртирди. Шунда онахон болаларнинг ёнини олиб, уларни

ўз ўқувчилари сифатида таништириб, конун посбонлари олдида уларга китоб тарқатди...

Подъездда китоблар учун мўлжалланган шкаф пайдо бўлди. Унга шундай эълон ёпиштирилганди: «Илтимос! Агар уйингизда сиз ўқиб тугатган қизиқарли китоб бўлса, қолганлар билан баҳам кўринг! Мехрингизни аяман! Ўқишга китоб олганлар агар ўқиб тугатган бўлсангиз, бошқалар ҳам баҳраманд бўла олиши учун уни жойинга қайтаринг, илтимос!»

Шкаф кўп ўтмай турли-туман китоблар билан тўлди. Ҳар бир қаватда гуллар пайдо бўлиб, подъезд эшиклари ҳам окшом очик қолдирилдиган бўлди. Кечқурунлари подъезд зинасида ўтириб китоб ўқийдиган ёшлар сафи кенгайгандан кенгайди. Онахон улар кечқурун ҳам китоб ўқий олишлари учун деразаси олдига бир печта фонус қўйди. Болалар фонус ёруғида китоб ўқишга одақланишди.

Хола вафот этди. Уйимизнинг биринчи қаватида деразаси турли-туман анвойи гуллар билан безатилган кутубхона эса хозир жуда гавжум. Холангиз фонуслари уни хали ҳам ёритиб турибди.

ХОНАДОНИМИЗДАГИ НИҲОЛЛАР қандай камол топиши керак?

«Аждодларимиз оилада фарзанд тарбиясининг негизи сифатида ахлоқий учлик: ният – сўз – иш бирлигини яратишган. Мазкур учлик негизини кейинчалик луғатимизга кириб келган «виждон» сўзи билан ҳам ифодалаш мумкин.

Аждодларимизнинг кўхна тарбиявий тизими ҳозирги кунларда биз тўқнашган ахлоқий, маданий, жисмоний, экологик муаммоларни баргараф қилиш нуктаи назаридан бебаҳодир. Жумладан, аёл кишига ҳурмат, уни эъзозлаш, она сифатида қадрлаш ғоялари марказий ёринлардан бирини эгаллашган. Демак, бу ғоя ёш авлодга кундалик турмушда, яхши боланинг намунавий сиймоси орқали ижтимоий тарбияда изчил синдириб борилган.

Фарзандларнинг келажакда қандай маънавият эгаси бўлиши кўп жиҳатдан ота-она, у берган тарбияга боғлиқ. Ҳар бир ота-она фарзанди олдида ўз оталик, оналик бурчини тўлиқ ҳис этиши, унга жавобгарлигини маънан англаб етиши керак.

Оилада синдирилган тарбия, Ватан, эл-юрт, мустақиллик, озодлик ҳақида берилган тушунча, тасаввур боланинг мурғак калбида бир умр муҳрланиб қолади. Оила мустаҳкам, тинч, фаровон, соғлом бўлсагина, жамиятда барқарорлик вужудга келади.

Оилада бола маънавиятини шакллантиришнинг асосий муҳити билан танишиб чиқамиз.

Меҳр-оқибат таълими

Ушбу туйғудан маҳрум бўлган киши ўз яқинларини, ватандошларини, Ватанини ҳурмат қилишга қодир бўлмайди, одамларга яхшилик қила олмайди. Оиладаги меҳр-муҳаббат ва самимият, оила аъзоларининг бир-бирига эътиборлиги ва ғамхўрлиги болалар руҳиятига кучли таъсир қилади, боланинг ҳис-туйғулари намоён бўлиши, унинг маънавий эҳтиёжлари шаклланиши ва амалга ошиши учун кенг имкониятлар беради.

Самимийлик муҳити

Ота-оналар ҳаётнинг муҳим аҳамиятли ҳолатларида болаларга ёлғон сўзламаслиги керак. Бола ҳар қандай ёлғон, алдаш, сохтакорликни фавқуллодда ўткирлик билан тез сезади, уни пайкаб саросима ва васвасага тушади, шубҳа-ғумонга ғарқ бўлади. Агар бирор гапни болага айтиш мумкин бўлмаса, у ҳолда бемаъни гапни ўйлаб топиб,



сўнгра қаловланиб қолгандан ёки ёлғон сўзлаб алдагандан, буни бола билиб қолганидан кўра ҳамма вақт яхшии тўғри жавоб беришдан қочиш ёки болага билдиришнинг маълум бир чегарасидан нарига ўтмаслик лозим.

Ҳеч қачон «Буни билишга ёшлик қиласан» ёки «Буни сен барибир тушунмайсан», демаслик керак.

Тарбияда таъсирчан сўз

Сўз билан тарбиялаш учун сўз тарбияланувчининг фикрида ва қалбида из қолдириши керак. Бунинг учун эса сўзларнинг маъносига тушуниб етишни ўргатиш лозим. Фақат ана шундагина ҳиссий таъсир қилишга умид қилишимиз мумкин. Тарбиячи аниқ фактлар, воқеалар, ҳодисалардан

умумий ҳақиқатларни, ҳулқ-атвор тамойилларини очиб беришга ўз вақтида ўтиши керак. Ўсмирлар мулоҳаза қилишни ёқтиришади, бироқ ота-оналар уларнинг балоғатга етмаганини таъкидлаб, буни улар ҳали кичкина экани ва шу сабабли улар ўз фикрини билдиришга кичиклик қилиши билан изоҳлаб кўпинча уларнинг мулоҳазаларини бўлишади. Бироқ, айнан мана шу мулоҳазалар орқали ўсмирлар маънавий-ахлоқий тушунчаларни англаб олади.

Меҳнат қилиш кўникмаси

Аввало, ота-онанинг ўзи боланинг кўз ўнгига меҳнат билан шугулланиши бу борада энг самарали таъсир кўрсатади. Бола катталарнинг иштини мунтазам равишда кузатиб бориб, буни ўйинда амалга оширишга

ҳаракат қила бошлайди. Сўнгра ёрдамчи сифатида меҳнат жараёнига киришади ва ниҳоят, ишни мустақил бажаришга ўтади.

Бола маънавияти

Бола ҳаётдан дабдаба, кашшоқлик, алкоголь сингари ҳолатларни истисно қилиш зарур. Болани ахлоқсиз кимсалар билан мулоқотга киришишдан эҳтиёт қилиш керак. Тақлид қилиш билан ва тажрибани эгаллаб олишнинг муҳим усули ҳисобланади. Бу эса болани ўз атрофидаги одамларнинг барча хатти-ҳаракатларини қайтаришга мажбур қилади. Бола фақат етти ёшга тўлгандан кейин ўз ахлоқий асосларини шакллантиради ва атрофидаги одамларнинг ҳулқ-атвори ва қилмишига баҳо бериши мумкин. Шу сабабли болани севадиган ва унга яхшилик тилайдиган катта ёшдагилар ўзларининг ахлоқсиз хатти-ҳаракатлари билан болага намуна бўлмаслик учун ўзларининг ҳар бир қадамини қатъий назорат қилишлари зарур.

Ота-оналар оилавий муносабатларнинг софлигига эътиборни қаратишлари зарур. Оила бир қанча вазифаларни бажарадиган ижтимоий институт ҳисобланади. Бу вазифалар ичида муайян бир доирада мустаҳкам ғоялар, қадриятлар, ғоялар тизими асосида дунёқарашни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

С.СИРОИЛОВА

ОЛТИН ФОНД

БОШДАН УСТУН ҚАДРИЯТ

Ўзбек аёлларининг бошига ўрайдиган миллий либосларидан бири – лачақдир. Унинг ҳар бир минтақага хос турлари мавжуд. Ҳозирги пайтда лачақнинг хилма-хил тури кўп учрайдиган минтақа бу – Сурхон воҳаси ҳисобланади.

Хоразм воҳасида ҳам ушбу либос кўринишлари кам бўлса-да сақланиб келяпти. Унинг миллийлигига бўлган эъзоз ва ҳурмат, айниқса Ҳазорасп ва Богот туманларида кўзга ташланади. Хусусан, Ҳазораспнинг Карвак қишлоғи бу антиқа либосни авлоддан авлодга ташибётган гўшадир. Бу ерда яшаётган кекса аёллар бошига ўрайдиган лачақ «карвакий лачақ» номи билан машҳур. Карвакий лачақ туркманча, қозоқча лачақлардан ўзининг баланд қилиб, ранг-баранг тарзда ўралиши билан ажралиб туради.

Карвак қишлоғида яшовчи ҳар бир аёлдан ушбу либоснинг хусусиятлари ҳақида сўрасангиз, кўнглингиз тўлғунча маълумот беради. Уларнинг таъкидлашча, қадимда лачақ нафақат ўзбек, балки умумтуркий халқлар аёллари-

нинг либоси саналган экан. Қирғиз ва қоракалпоқ аёллари ўрайдиган лачақ қозоқча лачақларга ўхшашлиги билан тавсифланади. Туркманча ва ўзбекча бош ўрамлари эса умуман ўзига хослиги, бетакорлиги билан ажралиб туради. Ўзбекча лачақлар ҳам бир неча турга эга бўлиб, уларнинг ичида карвакий хили этнограф тадқиқотчилар томонидан кам ўрганилган.

Азалдан ўзбек аёллари қирқ ёшга тўлганида бош ўраш маросими, яъни лачақ тўйи ўтказишган. XX асрнинг 50-йилларидан эътиборан бу маросимни олтмиш ёшга тўлганда нишонлаш одат тусига кирди. Ҳозир аёлларнинг ушбу миллий либосни ўраш муддатини



кечга суришига сабаб – навқиронлик завқини мўлроқ тотишга бўлган иштиёқлари бўлса керак деб ўйлаймиз.

Одатда лачақ тўйи ўзига хос тарзда бўлиб ўтади. Бунда олтимиш ёшга тўлган аёл қариндош-тувғонларини чорлаб ош беради. Шодийна давом этади.

Аёллар маросим сабабчисини давра ўртасига тўшалган гиламга ўтқазиб, атрофида парвона бўлганча бош ўрашни бошлайдилар. Дастлаб пешонадан тортиб то белгача тушиб турадиган печ ташланади. У турумсо деб ҳам аталади. Унинг устидан эса елкаларини кенг равишда босиб турувчи ҳалақо ташланади. Кейин Хоразм таҳясининг манатсиз хили кийдирилади. Таҳя устидан ҳар хил рўмонлар ёки матоҳлар чирмалади. Лозим кўрган аёл тамоқсо тортади. Тамоқсо ияк остидан чаккагача тортилган матоҳдир. Унга ҳозирги вақтда кам эътибор бериллади.

Лачақ чирмаб бўлингач, унинг устидан кенг рўмол ёпилаган. Аввалги даврларда бадавлат хотинлар бу либоснинг тепасига уқлар ёки тудор кистиришган.

Бош ўраб бўлингач, лапар айтишувларига навбат бериллади. Кўпинча минг ойини кўрган ували-жували кампирлар лачақ ўрашни бошлаб беришса, айтишув – лапарларга ҳам улар дебоча ясайди.

Лапарлар айтишиб, хумордан чиққан момолар охирида маросим са-

бабчисининг бахт-иқболини тилашиб дуою фотиҳалар қилишган.

Баъзан бу либоснинг салобатлиги фарзандлар сони билан боғлиқ, деган гап қулоққа чалинади. Эмишки, момолар фарзандлари қанчалик кўп бўлса, лачакни шунчалик баланд қилиб ўрашган.

Тадқиқотчиларнинг сурхон лачақлари хусусияти борасида ёзишча, бу гўша момолари насл поғоналарига қараб лачакнинг баландлигини оширар экан. Масалан: неварали кампир мазкур бош либоси устидан икки йўл, чеваралиси эса уч йўл қилиб белбоққа ўхшаш ўрам ёки чилвир тангишган. Хоразмда эса унинг баландлиги айтиб ўтганимиздек аёлнинг серфарзандлигидан дарак беради.

Шу ўринда лачакнинг яна бир хусусияти борасида тўхталиш жоиз. Ушбу салобатли бош кийимини ўраб юрган аёл шамоллаш, менингит, ангина, кулоқ оғриғи каби касалликларга кам чалинар экан. Буни шифокорлар ҳам тасдиқлайди.

Албатта, миллий либосларнинг жозибаси, хусусияти кишини ўзига жалб этади. Улар орасида лачақ ҳам ноёб антик либос сифатида ҳали кўп замонлар нигоҳларни ҳайрат билан равшанлаштириб туради, дея умид қиламиз.

Эрпўлат БАХТ

АҚЛ ВА ТУЙҒУ РИШТАСИ

Ижоднинг илк босқичида асарнинг умумий оҳанги қулоғимга чалинади. Муҳими, дастлабки ёзилган жумланинг асар тақдирини ҳал этувчи аҳамиятга эгалигида. Илк жумла асар жанрини, маромини белгилаб беради... Модомики, қулоққа чалинган ўша оҳанг ривож топмас, шубҳасиз, чалғиб кетасан, бошлаган асарингни бир четга суриб қўясан ёки ундан бир нарса чиқмайди, ташлаб юборасан.

Иван БУНИН

Ҳозирги дунёда адабиёт мураккаб шароитга тушиб қолган. Фавқулодда у кераксиз буюмга айлангандек, зеро, қизиқишлар ҳам, ҳис-ҳаяжонлар ҳам олдингидай эмас, бўлакча. Бурунги китобхонларимизнинг ўй-халлари энди бошқа нарсалар билан банд. Бугунги китобхонлар эса асл мутолаанинг завқ-шавқидан, афтидан, беҳабар. Шундан келиб чиқиб энди нима қилиш лозимлигини биргалашиб ўйлаб кўришимиз керак.

Чингиз АЙТМАТОВ

Ҳатто оддий капалакнинг парвози учун ҳам бутун бир осмон керак.

Пол КЛОДЕЛ

Табиатдан, худди фотографлардек, нусха кўчирмаслик керак. Одам юришга тақлид қилишни ўйлаб гилдиракни кашф этди. Бу билан у, ўзи билмаган ҳолда, сюрреалистик ҳаракатни амалга оширди.

Гийом АПОЛЛИНЕР

Сиз тушунмайман, деб айтяпсизми? Сабабини фақат ўзингиздан қидиринг. Сиз нақадар камбағалсиз, модомики, туйғуни ақл билан боғлай олмас экансиз.

Пабло ПИКАССО

Шеърда янгилик қарийб ҳар доим шоирнинг қай даражада янги эканига боғлиқ... Услуб — бу темирчининг дасттоҳи эмас, балки унинг қалби, руҳи.

Рене-Ги КАДУ

Шоирнинг шахси китобхонга тегишли эмас. Китобхон, дарахтдан ажратиб олинган ёғоч каби, муаллифдан ажралиб чиққан асар ҳақида ҳукм чиқаришга ҳақли, ҳолос. Модомики, мунаққид асардан сиёсатчи шахсини қидиради, бу ўта мантқиқсиз ҳаракатдир.

Сен-Жон ПЕРС

Реализм, олдига қўйилган талабларга жавоб бериши учун, бугунги куннинг реаллигига эмас, балки келажак реаллигига асосланмоғи лозим. У башират реализми бўлмағи керак.

Қофиядан бешиш уни худда-бехудда, мейридан ортиқ даражада қўллавериш, соф гимнастика машқларига айлантириб юбориш оқибатида юзага келди. Аслида қофиянинг сийқаси чиққани йўқ, балки қофияланмаган, шеърин мисралар охирида соф, жарангдор товуш таратадиган сўз қолмади, деганларнинг юрагининг сийқаси чиққан, ҳолос.

Луи АРАГОН

Поэзия бизнинг маданий ҳаётимизда муҳим ўринга эга. Шеърят нафақат одамлар билан чин дилдан гаплашиш имкониятини яратади, шунингдек, биз поэзия тилидан турли хавф-хатарлардан бекинадиган макон сифатида фойдаланамиз.

Ярослав СЕЙФЕРТ

Поэзия бу — овоз. Уни тинглай билиш керак. Худди мусикани тинглагандек. У, камонча ишга тушиши билан гижжакка жон киргандек, товуш пардалари ҳаракати билангина жонланади. Кўз қоғоздаги босма харфлар навосини тинглаши лозим.

Лео ФЕРРЕ



Николай Кун «Қадимги юнон афсона ва ривоятлари» китобида Сизиф ҳақидаги мифни Гомернинг «Илиада» достони асосида батафсил баён этган.

Сизиф шамоллар ҳукмдори Эолининг ўғли ва Коринф шахрининг асосчиси эди. Унинг маккорлиги, уддабурон ва чакконлиги олдида бирор юнон ип эшолмас, у ҳатто маъбудларнинг кўзини шамғалаг қилишдан тап тортмасди. Сизифнинг бой-бадавлат эканлиги, бемисл хазинаси ҳақидаги овоза тўрт тарафга тарқалган, ўзи эса бўлажак ҳодисаларни ўтқир зеҳни билан ҳис этарди. У шунинг учун ўлим маъбуди Танат жонини олгани келаётганини олдиндан

у манфур манфаатлар хизматкори бўлгани учун гуноҳни яратади. (Гомерга кўра, таъмагир Сизиф йўловчиларни тунаб, бойликларини тортиб олгач, уларни тош остига бостириб, азоблаб ўлдирган, маъбудларни алдаб, уларнинг устидан кулган.) Шунинг учун ақл камолот чўққиси — донишмандлик мақомига кўтарилгунча хатолар билан машаққатли юксалиш йўлини босиб ўтиши зарур. Сизиф ҳаётлигида маккорлиги, уддабуронлиги туфайли фаровонликка,

УМИД — СИЗИФОНА МЕХНАТ



сезди. Сизиф уни хийла-найранг билан қўлга олиб кишанлади, ғорга банди этди. Шундан сўнг одамлар ўлмай кўйдди. Қудратли Зевс ерда ўрнатган тартиб-интизом шу тарихка издан чиқа бошлади. Талвасага тушган Зевс уруш маъбуди Аресни ер юзига юборди, у ўлим маъбудини кишандан озод қилди. Танат эса Сизифнинг жонини Аид салтанати — ўликлар ерости дунёсига бажонидил олиб кетди.

Лекин айёр Сизиф хотинига ўз жасадини кўмдирмасликни, ерости маъбудлари учун қурбонлик келтирмасликни тайинлади. Сизифнинг хотини эрининг гапини иккиланмасдан адо этди — маъбудлар учун қурбонлик қилмади. Аид ва Персефона дафн қурбонларини узоқ кутса-да, ҳамон қурбонликдан дарак йўқ эди. Сизиф Аиддан ёруғ дунёга бир зумга чиқаришини сўрайди, у «хотинимга қурбонлик келтиришни амр этаман-у, Аид салтанатига яна қайтаман», деб ваъда беради. У Аидни бу сўзлар билан алдаб, тирикликка — ер юзига қайтади. Ким ҳам ўзи истаб ёруғ дунёни ташлаб кетарди, албатта, Сизиф ҳам ўликлар дунёсига қайтиб боришни ҳаёлига келтирмай, базму жамшид қуриб, шод-хуррам яшаб юраверади.

Аиднинг қаҳри келиб, Сизифнинг арвоҳини қайтариб олиб келиш учун яна Танатни юборди. Нариги оламдан омон қайтиб келган ягона фониётот эканидан мамнун ҳолда зиёфат қилиб ўтирган Сизифни Танат ўликлар салтанатига мангуга олиб кетади.

Сизиф оғир жазага — улкан тошни баянд ва тик кўтарилган тоққа юмалатиб олиб чиқишга маҳкум этилган эди. Сизиф бор кучи, машаққатли меҳнат билан тошни қояга олиб чиқишга уринади. Лекин тошни чўққига олиб чиқишга бир баҳа қолганда тош яна пастга юмалаб кетади. Сизиф ҳеч қачон тошни чўққига олиб чиқолмайди — ҳеч қачон мақсадига етолмайди.

Айёрлик — ақл маҳсули, лекин

бойликка, обрў-эътиборга эга бўлди, бир марта ўлимга чап беришга муваффақ бўлди, бироқ барибир махв этилди. Ўлимдан кейинги у олган жазо ҳаётининг бир рамзий кўриниши эмасми? Фарқи шуки, заковат завқидан маҳрум ҳолда беҳуда, бешавқ қора меҳнатга — улкан тошни тик тоққа юмалатиб олиб чиқишга мубтало, Зевс ақл бандаси — Сизиф учун бундан баттарроқ — бесамар қора меҳнатга мажбурликдан ортиқроқ жазо ўйлаб топиши мумкин ҳам эмас эди.

Сизиф — бутун инсоният рамзи. Унинг тошни юкорига олиб чиқиш машаққатлари — одамзоднинг тирикчилик кўйидаги уринишлари ва тараққиёт йўлидаги изланишлари. Чўққига етса-да, тошнинг юкорида тўхтаб қолмаслиги — камолот йўлидаги интилишларнинг ҳеч қачон интиҳо топмаслиги, қайта ва қайта такрорланиш тимсоли. Эҳтимол, бу асотир инсоният инсонлик мақомидан кўтарилиб, мушак Камил ақл даражасига етолмаслиги ҳақидадир.

Олайлик, Сизиф — даҳо, йўл-бошчи, санъаткор, олим; тош — жамият, санъат, илм; чўққи — тараққиёт рамзи. Олим илмини, йўлбошчи жамиятни, санъаткор санъатни маълум бир босқичга олиб чиқади. Бошқа бирови юксалишни ўша жойидан давом эттирганида, узвийлик равон давом этганида эди, ҳаёт жуда мукамал бўлар эди. Аксинча тез-тез барча соҳаларда, жамиятда таназзул юз бериб туради ва тараққиётни баъзан ибтидодан, баъзан ярмидан қайтадан бошлашга тўғри келади.

Сизиф ҳақидаги асотир мутафаккирлар — Гомер, Эсхил, Софокл, Еврипид, Критий, адилбар — Сартр, Жойс, Кафка, Пруст, Мерлр, Никитин, Камю, Хуршид Дўстмуҳаммад; психоаналитиклар — Эрик Берн; мусаввирлар — Велчелли Тицианнинг ижодида турли қиёфада намоён бўлади.

Албер Камю «Сизиф ҳақида асотир» эссесинда абсурд ҳақидаги ўз фалсафий қарашларини Си-

зиф мисолида акс эттиради. Уни қандай яшашни, кимга ва нимага ишонини билмайдиган, қалбида маъбудларга исён, ўлимга нафрат яшаётган, укубатли бесамар машаққатга маҳкум абсурд қаҳрамон дейди.

Эрик Берн «Ўйин ўйнаётган одамлар» китобида омадсиз инсонлар ҳаёти ҳақида ёзаркан, «Яна ва Яна» деб номлаган воқеалар тизимини Сизиф ҳақидаги асотир асосида тушунтиради. Сизиф қисмати — омадсиз одам ҳаёти сценарийси, бирор ютуққа эришиб улгурмасдан, кейин яна янгидан бошлашга мажбур бўлган, шундан кейин «Озгина қолган эди-я...», «Шундай бўлмаганида эди...» де-

ган афеус чекувчилар тақдирини дейди. Гарчи «Имкон борида ҳаракат қил» ғояси уларга хос бўлса-да, бу фақат жараёндир, аммо натижаси йўқ, оғир «сизифона меҳнат»дир, деб баҳолайди.

Хуршид Дўстмуҳаммад «Донишманд Сизиф» романида бетоле тақдир тимсоли Сизиф мисолида одамзоднинг изтироби, исёни, умиди, машаққатли умр йўлини тасвирлайди. Ҳатто тош, қояга муҳаббат қўя оладиган инсоннинг метин иродаси оқибатда тошни ҳам емиради.

Сизиф адабиётда беҳуда меҳнат, маъносиз ҳаётга маҳкум этилган абсурд қаҳрамон, динда ёруғ дунёда қилган гуноҳлари, исёни, алдам-қалдамлари учун муносиб жазо олган, маҳпарга-ча тош юмалатиш машаққатига маҳкум осий, фалсафада камолотга ега олмаган, ўзини тўла англаб донишмандга айланолмаган шахс, психологияда иши юришмаган омадсиз, мағлуб образи бўлиб келган. Кўриб турганимиздек, буларнинг барчаси яхлитлашиб, айрим инсонлар эмас, бутун бир инсоният қисматининг мукамал мужассамлашган тимсолини ифодалайди. Ким омадсизликка учраб, қайтадан бошлашга мажбур бўлмаган? Инсон зотидан нари борса даҳо, авлиё, ҳакимлар чиққан, лекин бу Аллоҳ сифатлари олдида ҳечдир. Мушоҳада қилиб кўрайлик, инсонни инсонлик мавқеида тутиб турган сифат — умид Сизиф ҳақидаги асотирнинг асоси эмасми? Уни машаққатларни бошидан бошлашга куч берган, тоққа такрорий кўтарилишида аввалги хатоларини бартараф этиб, ҳатто ҳаракатларига сайқал берган, илҳомлантирган ана шу умид эмасми? Шунинг учун ҳам Сизиф жазоланаётган, беҳуда қора меҳнат қилаётган инсон образи бўлиш билан бирга умидли инсон рамзи бўлиб қолажак.

Дилрабо МИНГБОЕВА

Камбағал ишчи бир кун ишдан ҳайдалди. Бошқа даромади бўлмагани учун болалари уч кун овқатсиз, нонсиз қолди. У одам иш қидириб қаяққа борса, «иш йўқ» деб эшикни юзига ёпишди. Устма-уст уч кун оч қолган болаларнинг хархашаси онанинг юрагини эзиб юборди. Чорасизлик билан турмуш ўртоғига: «Кўрпачисми болаларни? Очликдан юзлари сарғайиб кетди. Биз-ку майли чидаймиз, лекин улар бунга чидолмайдилар. Бу ишнинг охири нима бўлади? Ўйлаб кўрдингизми?» деди.

Камбағал ота ва тиланчи

Эр эгилган бошини аёли томон қаратиб: «Неча кундан бери бормаган жойим қолмади. Энг кам ойликка бўлса ҳам иш қидирдим, бир кун бўлса ҳам қорнингиз тўйсин, деб. Лекин ҳеч ким менга иш бермаяпти. Болаларимнинг у ҳоли менинг ҳам юрагимни эзиб юборди. Лекин қўриб турибсанки, қўлимдан бирор нарса келмаяпти» деди. Шунда аёли: «Ундай бўлса менинг келинлик кунларимдаги рўмолимни олиб бориб сотинг, неча пул бўлса ҳам бирор нарса олиб келинг, болаларимизнинг қорнини тўйдирайлик. Аллоҳ Каримдир. Ризк берувчи Удир. Бизга албатта бирор хайрли эшик очилади», деди.

Эр уятдан қизариб, тушиб қолган қийин вазиятни ўйлаб, аёли сандиқдан олиб берган ҳали яп-янгил турган рўмолини олиб, бозорга борди. Рўмолини ўша пайтда икки дирҳамдан ортигига олмасдилар. Олган пулига бирор егулик олиш учун кетаётганда йўлда тиланчига дуч келди. Тиланчи ўтган-кетганга шундай дер эди: «Аллоҳ ризоси ва Пайғамбарининг ишқи учун бўш ўтманг. Аллоҳни хурсанд қилиш учун менга ёрдам беришни хоҳловчи йўқми? Дунёда ҳеч нарсаи йўқ, ҳақиқий муҳтожман...»

Аёлининг рўмолини сотган одам тиланчи олдига келди. Рўмол пулини — неча кундан ҳеч нарса емаган болалари учун бирор нарса олмоқчи бўлган пулини тиланчига узатди. Энди бўш қўл билан уйга бориш ҳам ноқулай эди. Рўмолнинг пулини сўраган аёлига нима деб жавоб беради? «Рўмолингга икки дирҳам беришди, уни тиланчига бериб юбордим, унинг ялиниб-ёлворишига чидолмадим», деб қандай айтиди? Шу ўйлар билан масжидга кириб шом намозини ўқиб, бўш қўл билан уйга қайтди. Аёли ва болалари уни бирор егулик опкеллади, деб қутиб ўтиришган эди.

Кеч қолганига яхшироқ бирор нарса олиб келса керак, деб ўйладилар. Ота умидсизлик билан эшикдан қаради, аёли бу ҳолатга хайрон эди. Болалари эса бу кеча ҳам оч қолишларини ўйлаб мажолсиз овозда йиғлай бошлашди. Аёл ҳам хайрон, ҳам жаҳл оҳангида рўмолини нима қилганлигини сўради.

Эр аёлига ҳаммасини бирма-бир айтиб берди. Аёл ишнинг аслини билгач, сабрли оҳангда: «Рўмолнинг пулини Аллоҳ йў-

лида берган экансиз, У улуг ва бойдир. Сахйилигингиз эвазини бизга хоҳлаган вақти беришга Қодирдир. Сиз тўғри иш қилдингиз, қани кўрамиз, қайси эшикни очар экан?» деди.

Эрталаб аёл турмуш ўртоғига отасининг уйдан олиб келган девор соатини берди ва: «Буни сотинг ва эвазига қанча егулик келса олиб келинг» деди. У бозорга бориб, соатни сотишга ҳаракат қилди. Лекин ҳеч харидор чикмади. Чарчаб, ҳорғин келаётганда бир балиқ сотувчисига йўлиқди. Балиқчи баланд овозда: «Балиқ бор, балиқ» деб бакирарди. Қўлида икки донагина балиқ қолган эди.

Фақир киши балиқчининг ёнига бориб: «Бу соат менга, бу балиқлар сенга наф келтирмайди, шунинг учун шу икки балиқнинг менга бер, мен сенга шу соатни

дирҳам беришни айтди. Фақир одам қийинчиликлар ортада қолганини сездди. Аллоҳ унга неъмат эшикларини очганини тушунди. Заргарга уни ўн тўрт минг дирҳамга сотиб, пулини олиб уйга қайтди. Бўлиб ўтган воқеани уйга келиб, аёлига ҳам айтиб берди. Ҳаммалари ғамларни аритган Аллоҳга шукроналар айтишди.

Шу пайт эшикда тиланчининг овози эшитилди: «Эй, уй эгалари, Аллоҳ сизга бергандан менга ҳам бери!» Фақир киши эшикни очиб: «Шу пайтда Аллоҳ бизга ҳеч кутмаган жойимиздан ўн тўрт минг дирҳам ҳадя қилди. Модомики, сен Аллоҳ ризоси учун Аллоҳ берганидан сўраясан, мен ҳам шу пулнинг ярмини сенга берай, қолган ярми бизники бўлсин».

Биргина сўзи учун катта бойликка эга бўлганидан хурсанд тиланчига пулни олиб чиқиш учун уйига кириб кетди, чиқиб қараса тиланчи йўқ. У ер-бу ерни қараса ҳеч қарерда кўринмади.

Уй эгаси ўша кунни ғам-ташвишлардан холи уйкуга кетди ва тушида боғи тиланчини кўрди. Ундан нега кетиб қолганлигини сўраганда, тиланчи: «Мен тиланчи эмас эдим, Аллоҳнинг фаришталаридан бири эдим. Хайрли ишларни қай даражада яхши кўришинг ва Аллоҳга боғлиқлик даражангни билиш учун инсон шаклида сенинг уйингга келдим. Мени Аллоҳ сени охириги марга синаб, даражангни юксалтириш учун хонадонингга юборди. Олдинги кун аёлининг рўмолини сотиб,

икки дирҳам олганинда ўша икки дирҳамни олган ҳам мен эдим. Ўша икки дирҳамни хотиржамлик билан Аллоҳ ризоси учун менга берганинг учун Аллоҳ сенга инжун берди. Бугунги сахйилигинг учун эса нариги дунёда тенгсиз неъматлар билан тўла жаннатга эришасан».

Сенингдек энг қийин вазиятларда ҳам Аллоҳ ризосини барча нарсдан устун қўювчиларга хушхабар бўлсин...

Аллоҳ барчамиздан, дунё мол-мулкларидан устун қўйган барчадан рози бўлсин...

Турк тилидан
Наргиза АТАБАЕВА
таржимаси.



РАСОЛИК ИСТАГИ

устозлар ўғити

Яқинда шоир ва таржимон Матназар Абдулҳакимнинг (жойлари жаннатда бўлсин) суҳбатларини ўқидим. «Мумтоз адабиётни тушунаётганингни кечирिश мумкин, бироқ тушунишни истамаётганингни мутлақо тушуниб бўлмайди», деб ёзбдилар.

Шубҳасиз, кўпчилик бор билимларни ўзлаштиришни, ҳамма нарсани билишни, жаҳон синоатининг калитларига эга бўлишни истади. Бухорий, Беруний, ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Навоий каби зотлар қандай қилиб жуда улкан билим, ақл ва тафаккур соҳиблари бўлишган? Бу савол қўлларни қийнаб келади. Аслида илм ўрганишга улардан кўра бугун бизнинг имкониятимиз кўпроқ эканини тан олишимиз керак. Лекин натижа қутилганидай эмас. Нера? Сизга биттагина фарқни айтимай? Улар назарида илм яшаш учун энг зарурий эҳтиёжлардан бири эди. Биз учун эса илм деганлари кундан-кунга карьерга айланиб борапти. Яъни, улар илмни ардоқлаб бошларига кўтаришди. Илм ҳам уларни улуглаб, абадиятга дахлдор қилди. Биз уни дунёдаги оний максалларимизга эришиш, мансаб-мартабамизнинг ошиши учун пиллапоя қилиб оёқларимиз остига ташлаб қўйдик. Илм ҳам бизни хор қилди.

Илм ўрганишда ва бошқа ҳамма ишларда ҳам қалбағи мақсад билрамчидир. Сиз илмни нима мақсадда ўрганмоқчисиз? Сизга ана шу мақсадингизга қараб илм берилди. Айрим бир жабхаларда сизга илм берилмаган бўлса, бундан ўқинманг. Яхшиси, олдин ниятингизни тўғрилаб олинг. Кейин илм ўз-ўзидан оқиб келавериши. Бу ҳақда Ҳазрати Мавлоно (рахматуллоҳу алайҳи):

*Улки — нодон, оҳ уриб ҳар лаҳза суғни излавор,
Ташналик изланса эрди, сув ўзи оқиб келур*
деганлар.

Масалан мумтоз адабиётни тушунишдан мақсадимиз нима? Балки биз мумтоз адабиёт билимдони эканимизни бошқаларга кўрсатиб қўймоқчидирми? Балки ҳаммани қойил қолдиришни истаётгандирми? Эҳтимол, адабий баҳсларда барчани мот қилишни кўзлаётгандирми? Ёки бизни шу йўл билан элга машхур бўлиш қизиқтираётгандир? (Машхурлик шундайин бедаво бир касалликки, уни йиллар давомида ўз хоҳишингиз билан юқтириб оласиз, лекин ўз хоҳишингиз билан ундан ажралолмайсиз)

Шу ва шу каби мақсадлар билан ҳеч қачон илм ўрганиб бўлмайди! Илм ўзига эҳтиёжи бор қалбағига кириб боради.

«У ёки бу буюқ сиймони тушунмаслик, улар яшаб ўтган вақтдан бир қанча аср ўтган бўлса, шунча асрни тушунмай қолиш, деган гап. Бунчалик ғафлатни ортомқлаб яшаш маънавий жиҳаддан буқчайиб юриш билан барбардир. Расо бўлишимиз учун тинимсиз, илож борича узлуксиз мутлола қилишимиз керак», дебдилар Матназар Абдулҳаким.

Юз қадам жойга буқчайиб бориш жуда қийин. Кун бўйи буқчайиб юриш ундан ҳам мушкулроқ. Бир умр буқчайиб яшаш эса — азоб дегани. Менимча, имкони борлар ўзини бу азобдан қутқариш учун жиддий ҳаракат қилишлари зарур. Яхшиямки, бизнинг маънавий буқчилигимиз ҳаммага ҳам кўринавермайди. Кўрганлар эса жуда хайрон қолишади.

Ҳа, бизнинг ташқи кўринишимиз жуда ялтироғу лекин, афеуски, ботинимиз шунга яраша эмас. Бу ҳақда Матназар Абдулҳаким чиройли ўхшатиш қилган:

*«Сенинг уйин жууда мутташам,
Менинг уйим жууда ҳам вайрон.
Сен уйимга хайрон боқасан,
Мен бўйингга боқаман хайрон.*

*Ёшлиқдан зўр ҳашамат тўқурди,
Келасакка, оҳ, волидасан,
Мен уйингнинг аҳолидасан,
Сен уйимнинг аҳолидасан.*

Қачонгача ташқи кўринишимиз билан бошқаларни алдаб яшаймиз? Қачонгача ичимиз хароба бўлиб ётишига бепарво томошабин бўлиб тураемиз? Аслимиз каби кўриниш, кўринганимиз каби бўлиш бизга қачон насиб этади?

Бу саволлар мудроқ кўнглимизга уйғоқлик саодатини бериши зарур.

Соҳиб НАЗАР

ЯРАТИШ ОҲАНГЛАРИГА

Тошларин тавоф қил...

*Тошларин тавоф қил, тупроғини ўп,
Юзга муҳрин суртиб, туғросини ўп.
Хар саҳар юкиниб байроғини ўп
Ватан сажедагоҳдир.*

Ватан сажедагоҳ.

*Бошинг кўйиб топин остонасига,
Зог йўлата кўрма Арк-қалъасига.
Ҳамиша тайёр тур ҳимоясига
Ватан муқаддасдир.*

Ватан муқаддас...

Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон қадимий кентлардан бири ҳисобланган Тошкент воҳасини ана шундайин гўзал ва назокатли сўзлар ёрдамида мадҳ этган эди. Чиндан ҳам, бу юрт одамларининг юзидан нур балкиб туради. Бу нур хурлик, бахтиёрлик, қувонч тимсолидир.

Дарҳақиқат, бу қадим, ажойиботларга сероб замин бағрига қадам кўяр экансиз, қалбингиз нурланиб кетади. Сўлим ва оромижон боғларнинг шаршарадек шовуллашию тиллоранг бугдойзорларнинг чайқалиши, бир учи кент уфқларга қадар туташиб кетган чексиз ёбонларнинг қуёш нурида жилваланиши кўз ўнгингиздан кино тасмасидек ўтади. Гарчанд меҳнати уммон бўлсада, давраларнинг олдинги сафида юрсанда, дехқону зироатчиларнинг ўзини бир қадар камсукум, камтар тутишидан ажабланиб қоласан киши. Азал-азалдан Тошкент воҳасининг фахру ғурури бўлган Бўка тумани миришкорлари дехқончиликда мўъжиза яратсалар-да, бу хали кам, уни яна ошириб-тошириб уйдлаш керак, деган ғайрату шижоатга оғинмай амал қилиб келадилар. Гулу гулзорларга бурқаниб бораётган воҳа аҳли ённинг қайноқ жазирамасида, қаҳратон кишининг аёли, изғиринли кунларида, адоги йўқ ёбонларда, боғ-роғларда, чўлу биёбонларда сидкидилдан, жоним-отим тупротки сикимлаб, элнинг қимматли ризқ-насибасини ундириб-ўстиради, бунёд этади. Сулув келинчақдек ясанган баҳор чоғларида кўркам кишлорлардан ўтиб қолсангиз, ток бағазларини сўкичларга боғлаётган юзлаб боғбонларни учратасиз. Ғўза учқулоч бўлиши биланок яғана ва чопикка бел ўғлаб далага кириб кетаётган миришкор опа-сингилларни кўрасиз. Пилла мавсуми келганда уйкусиз, беором тонг оттириб, ипак курти боқаётган бўлишадди бу кишлорларнинг тиниб-тинчимас одамлари. Улар бир караганда жимитдек келадиган, митти жониворларни, оддий япроқни ипакка айлантирадилар. Ўттиз, қирқ кунлик кечая кундуз қилинган меҳнат давлат хазинасига, журналистлар айтмоқчи «кумуш тола» бўлиб, қўйилади.

Айни маҳалда далаларда ҳосил учун қизгин меҳнат кетяпти. Офтоб тивгида чопик қилаётган опа-сингиларимизга, ака-укаларимизга қулай ва муносиб шароит яратиб бериш учун фермер хўжалиги раҳбарларининг жони ҳалак. Улар биринчи гада нима яхши нарса бўлса, аввало, тупрот сикимлаганларга илинсам, дейди шундай кунларда.

«Бўкамаҳсувсупудрат» масъулияти чекланган жамиятининг кўп сонли ишчан жамоаси 2008 йилдан бери

воҳанинг барча ҳудудларида кўплаб томорка ер эгалари ва фермер хўжалиги раҳбарларига яқиндан кўмаклашиб, ерни сизот сувлардан ҳалос этишга ҳаракат қилмоқда. Жамоа аҳли қудратли ва иш унуми юқори бўлган экскаватор ва бошқа техникалар кучи билан она заминни босқичма-босқич шўр, зах ва сизот сувлари балосидан ҳалос этиб келаяпти. Худди, шифокор инсонни обдон даволагани каби, «замин шифокорлари» ҳам бизни едириб, ичирадиган, тўйдирадиган ер дардига дармон бўлишга ҳар жихатдан тирашиб-тирмашмоқда. Наттижада кишлор хўжалиги экинларидан олиннадиган ҳосил салмоғи сезиларли ошди, дехқоннинг даромади чўғи кескин кўтарилди.



Ҳа, бу жаннатмонанд воҳанинг тоғлари-да, боғлари-да – гўзал, тароватли, мафтункор, жилвагар. Одамлари яхши ниятни, эзгу ишларга қўл уришни дилига жо этишган. Меҳнатдан асло чарчамайди.

Тупроғи зар, маъданим менинг

Тошкент воҳасида айни баҳор ойлари кунчиқарга ёки ғарб томонга кўз тиксангиз, оппоқ қор билан билан чулганган виқорли ва мағрур тоғларга кўзингиз тушади. Ён томонларида узун кун баҳорнинг майин, дилга хуш ёқувчи шабадаси эсиб туради. Чек-чегараси йўқ яйловлари турфа хил гул-чечакларга, яшил либосга ўралади. Беихтиёр, узок-узокларда қорайиб турган тоққа интилмасиз, яшил, зумрад кенгликлар эса нуқул биздан йироқ кетма, ором ол, яйраб қол, яшна деб охиста ва майин тилда шивирлаётгандек бўлади.

Ҳа, бу жаннатмонанд воҳанинг тоғлари-да, боғлари-да – гўзал, тароватли, мафтункор, жилвагар. Одамлари яхши ниятни, эзгу ишларга қўл уришни дилига жо этишган. Меҳнатдан асло чарчамайди. Юрт меҳри мудом уларни олға, даядил босишга ундаб туради. Бу дийёрга қадам ранжида қилсангиз, сўнгги йилларда шаҳару кишлорлар, сўлим манзиллардаги ўзгаришларни кўриб, беҳад қувонасиз.

Бўка тумани томон борар экансиз йўлнинг ҳар икки ёқасидаги боғларда эгилиб ётган олмасорлар, шафтолизорлар, олхўризорларга қараб яйраб кетишингиз аниқ. Эл-юртнинг ризқини мана шу саҳий тупроғимиз вояга етказмоқда. Ҳеч қанча ўтмасдан, тоқзорларда узум узил, боғларда мева териш мавсуми бошланади. Йигитлар билан бир

қаторда қути-қути помидор, бодринг, гилос, олча, олма кўтараётган навиҳол, нозиккина қизларга қараб туриб, ҳаёлимдан кўп нарсаларни кечирдим. Негадир қорхоналаримизда соябонли бош кийимлари тўқиб чиқариламайди. Оғир-оғир қутилар ўрнига тўрт-беш килограмм мева сиғадиган, бошга қўйиб кўтарса бўладиган чиройли савагчалар ясаб беришмайди. Инсон зоти кўтарган ҳар бир килограмм юк ўн беш баробар оғирлашиб, умуртка поғоналаридаги ёстиқчаларни эзиб қўяр экан. Бу эса инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

Элда азиз одамлар

Сув келтирган элда азиз, деганлари рост. Шўр, зах, сизот сув балосини аритиб, кўзи беркилган ариқ ва зовурларни мунтазам тозалаб турганларни, янги каналлар қазиганларни эл-улус умрбод алқайди. Кишлор аҳли оқар сув келиши муносабати билан минг бир режалар туздилар. Катта-катта чуқур коллектор қилиб қазилиб, зах, лойқа сувлар чиқариб олиб ташланди. Оқибатда аҳоли томорқаларида барча турдаги кишлор хўжалиги экинларини етиштириш имконияти яратилди. Очиги, эл-улус ерни исқанжага олиб, худди чирмовуқдек сиқиб қўйган зах балосидан қутилишни неча йиллардан бери орзу қилар эди. Бу ишнинг амалга оширилиши кишлорларнинг ҳавосига, ободончилигига, элнинг даромадига сезиларли ижобий таъсир

қилди. Хайрият, одамларнинг узок йиллик нияти рўёбга чиқди. Улар энди шу ишнинг бошида турганларнинг отасига раҳмат деб юрса ҳам, турса ҳам алқашмоқда. Чиндан ҳам, бу жуда савобли, олижаноб иш-да.

Бўка далаларининг бир қисми серсув каналларга туташганлиги сувдан унумли ва расамади билан фойдаланишга имкон яратса, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланаётгани, ўнглиниб бораётганлиги эса ҳосилнинг мўл ва баракали бўлишини таъминламоқда. Шу боисдан ҳам Бўка, Бекобод, Оққўрғон, Пискент, Ўрта Чирчиқ сингари қатор туман дехқонлари, фермерлари кишлор хўжалигида яхши натижаларга эришмоқда.

Шулар ҳақида гап кетса, «Бўкамаҳсувсупудрат» масъулияти чекланган жамиятининг ишда ўрнатилган бўлаётган, доғдор кишилари доимо тилга олинади. Улар қатта ишларга пойдевор қўйган соҳа билимдонларидан ҳисобланишади. «Дано ўтса сўзи қолар, арслон ўтса изи қолар» деганларидек, «замин шифокорлари» бошлаган, қўл урган ишлар ҳамон давом этмоқда. Биргина 2018 йилда 10 миллиард 800 миллион сўмлик, 2019 йилда эса 14 миллиард 500 миллион сўмлик таъмирлаш-тиклаш, ирригация ва мелиорация юмушлари бажарилди.

Кундалик турмушдаги ҳар қандай қувончу ноҳушликни ишлаб, жон қойитиб қаршилаб, ишлаб ҳуморидан чиқиб Эргаш акага одат, унинг ўй-хаёллари доимо бирор бир янги лойиҳа, янги бир иш режаси билан банд бўлади. Назарда бугунги узун кун ҳам бесама, беҳуда ўтмади. Сон-саноксиз етилиб турган масалаларни собит ва мардона туриб, ҳамирдан қил сўтургандек ҳал этди қўйди. Одатий ишчанлик тартиби уни ҳар лаҳза, ҳар дақиқани соҳанинг залворли муаммолари томон оқизишга ундайди.

– Қачонки раҳбарнинг юраги ҳам, қўли ҳам тоза бўлса, тамадан, ғараздан йироқ бўлса, унинг табиатида қатъиятлик билан вазминлик, талабчанлик билан ақл-заковат уйғун бўлса, фақат шундагина одамларнинг ғам-ташвишини ўз қалбидан, юрагидан ўтказишга қодир бўлади, – дейди «Бўкамаҳсувсупудрат» масъулияти чекланган жамияти директори Эргаш Раҳмонов. – Қай бир меҳнат жамоасини олманг,

ҲАМОҲАНГ МЕҲНАТ



у ерда танти, ўз ишининг билимдони бўлиб танилган, алдам-қалдамликни, хушомадгўйликни жини суймайдиган одамлар албатта бор. Энди катта раҳбарлар ана шу одамларнинг бошини қовуштириб, орзую, дардларини тингласагина иш олға қараб босади. Ном чиқаради. Обрў топади. Оддий одамларга раҳбарнинг бир оғиз илиқ гапи, бир оғиз далдаси қифоя, ўша раҳбар оддий, тупрокни сикимлаган одамларнинг яхши кунларида иштирок этса, ёмон кунларида далда берса бас. Раҳбарнинг илиқ гапини, далдасини эшитганлар бир умр бошлари осмонга етиб юради. Аслида одам расмиятчиликдан йирик, эркин бўлиши лозим, каттами, кичикми раҳбарга кўп нарса боғлиқ.

Эргаш Раҳмонов, халқ тақдирини халқ қилувчи шижоатни, тубдан ўзгартириш, улғайиш сабабларини илмни, маданиятни, ватанпарвар раҳбарлар тимсолида кўришни орзу қилади. Халқи, миллати учун савобга интилган, жон қойитгани Яратган ҳам қўллади. Атрофимизда юзлаб, минглаб ишчан одамлар бор экан, белни маҳкам боғлаб тер тўкса бўлади.

Ўзбекининг кўнгли қачон қараманг эзгуликка мойил, яхшилик тарафдори. Одамлар йўқчиликка чидайди, танқисликка сабр қилади, бироқ адолатсизликка, ҳақиқат мезонлари бузилишига тоқат қилолмайди. Кўнгли ўзи етиштирган пахтасидек оқ, даласида ўсган бугдойидан ранг олган одамларимиз эзгуликни қанчалки теран англасалар, адолатсизликни ҳам ана шундай тез ажратиб олади. Йилда ҳеч бўлмаганда бир мартаба эл таниган, юрт билган деҳқондан, ҳол сўрамаган раҳбарни ҳам эл тан олмайди.

Чексиз ёбонлар сеҳри

Туя ўрқачини ёдга солиб юбуровчи, эгри-бугри, тўлқинсимон адирларда бугдой ўраётган, сомон йиғайтган, хо-

силни пешма-пеш тиркамали уловларда ташиётганлар, боғларга ишлов бераётганлар, гўза қатор ораларини юмшатаётган тракторчилар билан йўл-йўлакай қиска-қиска суҳбатлашиб ўтамиз. Менинг кўнглим ижодкорликка мойил. Шу боис хулқ-ахлоқдаги гўзаллик билан бошқаларга улгу бўладиган кишиларни учратганимда, дуч келганимда, каминда ана шундай хайрат, ана шундай кўтаринкилик пайдо бўлади.

«Бўкамахсуссувпудрат» масъулияти чекланган жамиятининг Нурафшон шаҳри ҳамда Пискент, Бекобод, Бўка туманлари ҳудудида олиб борилаётган ишлари таҳсинга лойиқ. Бу ишларнинг натижасидан киши беихтиёр хайратланади, қалбида ифтихор ҳисси жўш уради. Негаки, кип-кизил очик, яйдоқ майдонларда, тош ва шагал устида яратилган жаннатларга монанд боғлардаги шарбатга, ширага тўлиб турган, ўригу шафтолиларни, шигил-шигил мева туккан ёнғок даракларини, мазаси тилни ёрадиган қора ва сарик гилосларни, ёбонлар адоғига довор чўзилиб кетган бодомзорларни бунёд этишда «замин шифокорлари»нинг улкан ҳиссаси бор. Ахир бу ажиб манзараларни кўрганда завкланмай бўладими?

«Бўкамахсуссувпудрат» масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Адхам Жаналиев билан суҳбатимиз қазилаётган коллектор ёқасида давом этди. Мен мутахассис айтаётган гапларни пешма-пеш ён дафтарибга ёзиб оламан. Балки сувсиз яшай олмаганидек, қишлоқларда истикомат қиладиган аҳоли ҳам томоркасиз яшай олиши қийин. Шу маънода, томорқачилик ривож топишида мавжуд ирригация иншоотларининг ўрни бўлақча. Жамоа ишчилари томорқа ва экин экиладиган фермер даласидаги ортиқча шўр сув-

ларни замин бағридан қувиб чиқаради. Бўка туманидаги «Алҳажар Жингилий» хўжаликлараро коллекторини таъмирлаш-тиклаш, «К-4» коллекторини таъмирлаш-тиклаш, «Туркистон» ҳудудида лотокли сўғориш тармоқларини реконструкция қилиш, Қибрай туманидаги «Туркистон май» хўжаликлараро коллекторини таъмирлаш-тиклаш, «Коллектор-дренаж» тармоқларида таъмирлаш-тиклаш мелiorация объектларида, «Эски буджугун», «Иранбек» (Эски Бўзсув) каналини реконструкция қилиш ирригация объектларида, Пискент туманидаги «КЛД-3» хўжаликлараро коллекторини таъмирлаш-тиклаш мелiorация объектларида, «Эски Ёрдам» каналини ПК-0+00дан ПК-16+00 гача бўлган қисмини реконструкция қилиш ирригация объектларида, Чиноз туманидаги «Ойдинкўл» хўжаликлараро коллекторини таъмирлаш-тиклаш, Бекобод туманидаги «К-2-2» хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш, Нурафшон шаҳри ҳудудида ёпик ёр-тик дренажни қуриш, яна тагин шу ҳудуддаги сўғориш тармоғини қуриш ирригация объектларидаги қатор ишлар шулар жумласидандир. Бу каби ишлар пишиқ-пухта ва сифатли тарзда уддалаб боришда. Жамият ишчиларининг тинимсиз сай-ҳаракати туфайли биргина 2019 йилда салкам 15 миллиард сўмликка яқин иш бажарилди.

Ҳар бир сўзни ўйлаб айтадиган, гапига мақолу хикमतлар қўшиб гапирадиган Адхамжан билан суҳбатимиз дала бошида, коллектор қазайтган экскаваторларнинг шундоққина ёнгинасида давом этди. Ундан олдин ҳамроҳим билан роса дала айландик. Ҳаво тоза, қушлар гага-говур кўтариб, чуғирлаб турибди. Ҳойидан келтирилган экскаватор иш

қочириш ўта муҳим, – дейди экскаватор ҳайдовчиси Ёрмуҳаммад Сангинов. – Биз ҳам ишимизга табиб сингари масъулият билан ёндашимиз керак. Шу ишимиз туфайли ернинг жонига оро қиради. Ҳосил салмоғини ортишига қайнашади. Агар бизнинг соҳа ходимларида ерга меҳр бўлмаса, бу ишга қўл урмани яхши. Ҳамкасбарим билан доимо ана шу гапга амал қилиб келамиз.

Меҳнатдан келса бойлик...

Меҳнатга ўч, рағбати бор одамлар учун муносиб иш шароитларини яратиб бериш, уларни енгил ва ихчам, қулай иш қийимлари билан таъминлаш ҳар бир жамоа раҳбарининг биринчи галдаги вазифасидир. Ана шу ҳолат инobat-га олиниб, мазкур жамоада ишловчи ходимлар учун зарур шароит муҳайё этилди. Бундай гамхўрликка жавобан Ёрмуҳаммад Сангинов, Назир Хотамов, Илхом Қодиров, Ёқубжон Холбоев, Собир Бекназаров, Ўткир Усмонов сингари экскаватор ҳайдовчилари ҳамда директор ўринбосари Неъмат Алимов, бўлим бошлиғи Шухрат Холматов, хисобчи Машхура Боирова, бош муҳандис Мирҳожӣ Хасанов, механнизация бўлими бошлиғи Шухрат Раҳимбоев, касаба уюшмаси кўмитаси раиси ҳамда кадрлар бўлими бошлиғи Хулқар Умрзоқова барча касбдошларига ҳар жиҳатдан намуна бўлиб келмоқдалар. Улар ўз вазифаларига ҳалол ва сикдикддан ёндашиб, жамоа муваффақиятига сезиларли ҳисса қўшмоқда.

– Агар биз жамоадаги ишчилар билан фахрланмасак, улар меҳнатини улуғлаб кўкларга кўтармасак, яхшиси кетмонни ерга ётқизиб, уйга қайтаверганимиз тузук, – дейди «Бўкамахсуссувпудрат» масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Адхам Жаналиев. – Шунинг учун ишчилар манфаати доимо биринчи галдаги масала бўлиб келмоқда. Айнакка, вилоятнинг Бекобод тумани ҳудудида иккита, Бўка тумани ҳудудида иккита насос станциясида иш жадаллик билан давом эттирилмоқда. Мазкур насослар ишга тушса, аҳолининг оқар сувга бўлган талаби қондирилади. Тагин Пискент тумани ва Нурафшон шаҳрида ҳам белгиланган ишлар бажарилмоқда. Биласиз, ишимизда бетон қоришмаси сув ва ҳаводек зарур. Бусиз иш олға сикжимайди. Ҳозирда мазкур ускунада малакали мутахассис Акрам Сулаймонов фаолият олиб бормоқда. У барча объектлар учун етарлича бетон қоришма етказиб бериш тадоригида.


Хулоса ўрнида шунӣ айтишни истардимки, «Бўкамахсуссувпудрат» масъулияти чекланган жамиятининг аҳил ва иноқ жамоаси меҳнатнинг, яратишнинг янги оҳанглари бошлаб юборганига ҳийла вақт бўлди. Истардимки, бу меҳнат оҳанглари тез орада ўз натижасини кўрсатади.

Улуғбек ЖУМАЕВ



билан банд. У қовушини тупрокка тўлатиб, пешма-пеш киргочка отади. Бу ҳол узлуксиз такрорланади. Бу техникада ишлаш қулай, машина кабинаси шинам ва тоза. Шу ердаги экскаваторчилар билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашдик. Қувнок ва шўх йигитлар экан.

– Инсоннинг ризк-насибаси ердан. Унинг машаққатли меҳнати туфайли қиройли боғ-роғлар яратилади, далаларда экинзорлар барпо қилинади. Экин экиладиган ерлардан вақти-вақти билан сизот сувларини ҳайдаб чиқариш,

... тушса ҳам эгардан тушмас				Состав (узбекча)	Иншо, ёзма иш	Нурафшон, чарогон		... карта (норин)	Тенг боғловчи	Яссавий				
	Баҳор илк ойи	Таҳлил (русча)			Учинчи авлод, абира	Шеърый вазн	Юзнинг буртиқ қисми	Курол...						
				...бади (беҳуда тортишув)	Гавда қисми, кифт			...на, ...дагон	Сабабли, тугайли	Заҳул				
	Акёрлар маскани	Моторли қайиқ				Совриндор, чемпион				Хадеб, мудом				
				... қилса бурнингни тишла			Техник мой тури	Аукциондаги товар	Тинч, сокин					
	Ковун нави	Молия муассасаси			Хамиртуруш					Сув транспорти				
							...насаб	Грамм (аббр.)	...аслаха					
				Зайл, асно	Янада ёмон, беш ...	Фор					Асбоб...			
											Поклик ранги	Ёпишқок модда, клей	Дезинфекция моддаси	Инерт газ тури
				Курбақа боласи	... конунлари" (Ибн Сино)	Асалхўр хайвон		Хайитова (марҳум хонан.)						
											Цээдун (сиёсий арбоб)	... ҳам куймасин, кабоб ҳам	"... ва Зара" (кино)	
				Мавжуд эмас	... оқар дарё чуқур булади	... сирим	Ўлка, Болқон ярим ороли							
					От ...ни той босар		кўрқок, қул ботир	Лаб, дудок						
Электр қуввати	Физик олим	Кичик тақа		Металл пул		Калака, масхара				Харбий бошқарув тизими	Эсингдан чиқар			
					Қозон ўтхонаси			Бошига олма тушган физик	Пачино (актёр)	Ўзум нави				
	Тусиқ, гов	Кичрайтириш олмаши		Дурадгор асбоби	Арифметик амал									
Янчилган гушт, фарш	Япалоқ хамирли таом	Жарима (русча)		Кимирлаган қир ...	Салла (синоним)									
				"... сўзи ақлнинг кузи"										
	Булбул, бургут, бедана													
	Устоз	Каратэ гилами		Замонлар (б/ф)		Химоячи юрист	... Чусовитина (гимнастикачи)	Тишга қуйилдиган «ямоқ»	Янги тош асри	Сигир суддони	Еб тўймаз, очкуз			
					Гунохидан утиш		... Дион (хонан.)		Увол, нестнобуд					
	Тўда, пода	Таъкид юкламаси		...пука		Дастур формати (Word)				Эркин, хур	Жабр-ситам, озор	Сабоқ, машгулот		
... Саъдий (мутафаккир)	Тозала...!			...За, вази...	Шеърый бағишлов			Катта гушт булаг	Кенг (акси)	Муסיкий товуш тури				
				Салом...		Инкор юкламаси					Бошқирдистон пойтахти			
Ситам, зулм	Ташкининг акси				... холос			«Осмондаги ...» (фильм)						
				... Цой (хонан.)			Керак, зарур				Уяли алоқа компанияси собиқ			

Кауроку!
zan!

Баъзи қозғоғдаги ҳисоботлар
стрелкаси соатга ўхшайди.
Рақамлар бор-у, маъноси
йўқ!



Одамнинг шарманда бўлиши жуда осон экан. Ўн беш кун шифохонада ётаман деб, элу-юртга масхара бўлаёзим.

Ўзингиз биласиз, шифохонада дастлабки уч кунда сенинг билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди. Шунгача ўн икки мучангни қолдирмай, текшириб, анализ олиб, кейин даволай бошлайди.

Менда эса бунинг акси бўлди. Анализдан кейин шифокор ҳам, ҳамшира ҳам менга ажабланиб қараб, ғалати саволлар бера бошлади. Нима сабаб, билмайман! Сўрашга журъатим етмайди. «Эҳтимол, йўли шунақадир, ҳар касбнинг ўз сир-асрорлари бўлади...»

Тўртинчи кун деганда, ҳамшира хонадагиларга дори тарқатиб юриб, менга кўзи тушди-да, бирдан «пиқ» этиб кулиб юборди. Кўлидаги таблеткалар ерга сочилиб кетди. Ўзи эса кулгисини тия олмай, оғзини босиб, хонадан юғриб чиқиб кетди. Кечкурун бу ахвол яна такрорланди. Ахйир, бунинг сабабини сўрашга мажбур бўлдим.

– Сизга ўхшаган бир бемор ётганди, – деди қиз бирдан гап топа олмай, талмовсираб. – Ўзи жуда қизиқ одам эди, кап-катта бўлиб, доридан, уколдан қўрқарди. Мен келишим билан боладай йиғламсираб, ёлворади. Сизни кўрганимда, ўша киши эсимга тушиб кетди...

Эрталаб мени даволовчи шифокор чақирди. У мени рўпарасида ўтиргизиб қўйиб, худди танимаётгандай, узоқ вақт кўзимга тикилди.

– Аҳволинг қалай? – деди сўнгра.
– Ёмон эмас.
– Уйқунг бутунми?
– Бутун.
– Бошинг оғриб, кўнглинг айнинайдими?
– Йўқ.

– Қани, тапчанга ёт-чи.
Ўтдим. У – аста-секин қўйлагимни кўкрагимгача кўтариб қўйиб, қорнининг устини беозоргина сийпалади.

– Бу қорин сизда қачондан бери бор?

– Ўн йилдан ошиб кетди.
– Ўшандан бери шу туришидами ёки ўсаптимми?

– Э, лаънат бўлсин бу қоринга, ўсап-ти.

– Хўш-хўш, қачондан бери? – У ўзига калаванинг учини топгандай, жонланиб кетди.

– Қачондан бери десам экан... Хуллас, йилдан-йилга чолворимнинг бели торлик қиялпти, шуни биламан.

– Яқиндан бери ҳеч қандай ўзгариш сезмадингми?

– Йўқ.

Доктор қўйлагимни туширди-да, кетишга рухсат берди. Шу тариқа орадан яна бир кун ўтди. Ҳалиям бизнинг муолажага киришилмади. Кўпчилик қатори ҳар маҳал битта таблетка ичаман, холос. Уни ҳам ҳамшира қизлар ўзлари обкелмай, пакетга солиб, ҳамхоналаримдан бериб юборадиган бўлишди.

Агар даҳлизда дуч келиб қолсак, ё лабини тишлайди, ё тирноғининг учига қарайди. Хуллас, ўзларини зўрға кулгидан тийиб турганлигини сезаман.

«Ё тавба, дейман, ичимда, менинг юриш-туришим шунчалик кулгилимикан-а? Шу пайтгача ҳеч ким ҳеч нарса демасди-ку. Дунёда ёлғиз менми семиз? Ҳатто мана шу касалхонанинг ўзида, қоринлари чўян қозондай тўнтарилган тўрт-беш киши бор».

Чоршанба куни эрталаб даволовчи врачимиз бўлим мудирини бошлаб келди. Улар ёнимдаги беморларни енгил-елпи кўздан кечиршиди-да, менга келганда, ўтиргични олиб, бемалол



АНАЛИЗ

жойлашиб ўтиришди.

– Қани, қорнингни оч-чи, – деди бўлим мудирини. – Қорин бўшлиғингда ҳеч қандай оғриқ сезмайсанми?

– Йўқ.

– Хар куни ухлаганда қай ҳолатда ётасан?

– Чалқанча.

– Ёнбошлаб ётганда, безовта бўласанми?

– Билмадим. Ўзим азалдан чалқанча этиб ўрганганман.

У бармоқларининг учи билан секин-аста қорнининг ҳар жой-ҳар жойини босиб кўра бошлади.

– Оғримаяптими?

– Йўқ.

– Қорингда қаттиқлик бордек туюлмаяптими?

– Билмадим, бормикин?

– Йўқ, биз шунчаки сўраялтимиз, холос.

У қорин ҳақида бундан бошқа ҳам тўрт-бешта савол берди. Сўнгра даволовчи врач иккалови бир-бирига қараб, елкаларини қисди-да, белгили бир ечимга келолмай, чиқиб кетишди.

Аслида менинг қон босимим пасайиб кетганди. Шифохонага келишимга ҳам ана шу сабаб бўлганди. Лекин мен бу ҳақда қанчалик гапирмай, улар эшитини ҳам истамайди.

Афтидан, мен улар қизиққан объектдан бирон дуруст нарса айтмаётгандай. Аммо қорин масаласида ҳеч қандай шикоятим йўқлигини ўзим яхши билман. Бола бўлиб, ичим тиришиб кўрганини ҳеч эслаб олмайман. Иштахам зўр. Овқатдан кейин ҳам икки коса қатиғингни кўрдим демайман. Ҳайит кунлари бир кунда ўн тўрт уйдан овқат еган пайтларим бўлган. Етти уйдан еганлар уч кун ётиб туришди. Менга эса ҳеч нима қилмади.

Ҳафтанинг охирида тушга яқин улар яна мени шифокорлар хонасига чақирди. Бордим. Тўрт врач ўтирган экан. Учови шу ердан, ёши элликларга бориб қолган аёл докторнинг юзи менга но-

таниш. Чамаси, менинг касалим бўйича маслаҳатга чақирилган бўлса керак. Чиндан ҳам шундай бўлиб чиқди.

– Қани, мана бу тапчанга ётинг, – деди аёл доктор ўзи ҳам тапчанга яқин келиб. – Қўйлагингни кўтаринг. Танангизни бўш тутинг.

У менинг қорнимни шу қадар эҳтиёткорлик билан силадики, худди қўли билан мина излаб, унинг портлаб кетишидан кўркиб турган одамга ўхшарди.

– Қорнингиз қуриллайдими?

– Йўқ.

– Қорнингизда бир нарса сузиб юргандай бўладими?

– Билмадим.

– Овқатга иштаҳангиз қалай?

– Яхши.

– Мой доғлаган пайтларда кўнглингиз айнийдими?

– Йўқ.

Сезиб турибман, у мандан ўзи кутган жавобларни ололмапти. Шунинг учун жаҳл билан кўлини қиличдай қотириб, қорнимни ҳар жой-ҳар жойини босиб-босиб юборди-да, ўрнига бориб ўтирди. Кейин улар фақат ўзларигина тушунадиган ибораларда бир пиёла чой ичгулик фурсат гаплашиб ўтиришди.

– Ажимурат дўстим, икковимиз тенг-кур эканмиз, – деди бир пайт бўлим мудирини менга гап бошлаб. – Сиз яқинда газетдада чиққан бир қизиқ воқеани ўқидингизми?

– Қандай?

– Американинг қайси бир штатида яшайдиган Жон Клейд деган йигит қирқ бешга чиққанда ўзидан-ўзи аёл табиатли бўла бошлабди. Ҳалиги йигит қозон-товоқнинг овози келса ошхонага югуриб борармиш.

Бора-бора кўкрак безлари ҳам ўсиб, эмчак пайдо бўлибди. Хуллас, бошингни қотириб не қилайин, ҳалиги йигит бор-йўғи тўққиз ойда бутунлай аёлга айланиб қолибди. Орадан икки йил ўтгач, турмушга чиқиб, иккита болали бўлибди.

Ҳаммамиз ҳиринглашиб кулдик.

– Табиатнинг ғалати ишлари кўп, – деди ҳозиргина мени кўрган аёл доктор. – Уч-тўрт йилликда «Воқруғ света» журналида сурати билан бир йигит ҳақида мақола чиқди. Ҳалиги йигит эгиз бўлиб туғилиши керак экан. Орадан йигирма беш йил ўтгандан кейин йигитнинг қорнида эгизга ривожлана бошлабди. Операция қилиб олишса, бола тирик экан.

Дастлаб уларнинг гаплари менга қизиқдай туюла бошлаган эди. Лекин, кейинчалик ҳамма гапининг якуни менга қаратилгандай, улар қандайдир бир сирни менга айтолмаётгандай сезила бошлади.

– Мен тушунмаяпман, – дедим секин ўзимга келиб. – Бу гапларнинг ҳаммасини нима учун айнан менга айтаяпсизлар? Ёки менинг ички тузилишимда қандайдир ўзгариш сезиляптими?

Улар бир-бирига қарашди.

– Сен кўнглинга олма, – деди бўлим мудирини гап бошлаб. – Ҳалиги айтгандай, табиатда хар хил ишлар бўлиб туради. Мана, биз сени бир ҳафтадан бери қайта-қайта текширялтимиз. Хозирча аниқ бир нарса дейиш қийин-у, лекин анализ натижасига ҳам қараш керак. Сенинг анализинг сал бошқачароқ чиқяпти.

– Қандай? Қўрқинчлими?

– Йўқ, қўрқинчли эмас. Лекин ноқулайроқ.

– Тортинмай айтаверинг, бошга тушганини кўз кўра.

– Айтсам, пешобингдан олинган анализнинг кўрсатишича, қорнингда уч ойлик ҳомила бор.

Этим жимирлаб кетди. Юрагим шув этди. Чўчиб тушдим. Лекин шу заҳоти бир нарса эсимга тушиб, кулиб юбордим.

– Нега куласиз?!

– Қанақа анализ? Ахир мен... топширмаганман-ку?

– Қанақасига? Мана, анализнинг натижаси ёзилган, сизнинг фамилиянгни! – Тўғри, топширишга топширдим. Лекин ўша кунги санитарка уни беҳосдан тўқиб қўйибди. Кейин яна менга келди «қайтадан беринг», деб. Мен бермадим, нима эрмакка ётибманми деб...

Бўлим мудирини бирдан бақириб юборди:

– Санитаркани чақиринг!!!

Шу заҳоти менинг анализимни тўқиб қўйган санитарканинг оёғини ерга теккизмай олиб келишди.

– Бу кишининг анализи қаёқда? – деди бўлим мудирини.

– Топширдим.

– Ёлғон гапирма! Сен уни тўқиб қўйгансан. Кейин мана бу хулосани кимга ёздирдинг?

Санитарка ерга қаради.

– Сендан сўраялман, ким ёзди буни?! – Тўқиб қўйгач, уришадими, деб кўрқиб, ўрнига ўзимникини...

Биз ҳаммамиз чидолмай кулиб юбордик.

Муратбой НИЗАНОВ

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ОРАЛАБ...



Яхшилик «мукофоти»

Жуда жиддийлашиб кетдик. Яқинда бир дўстларимиз хайрия қилиб мухтож оилаларга озиқ-овкатлар олиб борса, хайрияни олган бир-икки оилалар «Сенлар ҳокимият берган махсулотларни ўғрилагансан» дебди. Шундан келиб чиқиб, қун латифаси:



Бир куни битта бола Қорбобога хат ёзибди: «Хурматли Қорбобо, бизнинг оиламиз камбағал. Ота-онам менга кишга кийим сотиб олиб бера олмайди. Шунинг учун илтимос, менга янги йил совғаси сифатида этик, қўлқоп ва дўппи бериб юборинг». Почтадагилар хатни кўриб, болага раҳмларни келибди. Ўзлари ўртада пул йиғиб, болага этик билан қўлқоп сотиб олиб, Қорбобонинг номидан почта орқали бериб юбордилар.

Икки ҳафтадан кейин боладан жавоб хати келибди. Почта ходимлари хурсанд бўлиб, хатни очиб ўқидилар. Хатда шундай деб ёзилган экан:

«Хурматли Қорбобо, сенга катта раҳмат. Юборган этик ва қўлқопингни мазза қилиб кийиб юрибман. Лекин нимагадир сен юборган дўппи етиб келмади. Менимча, почтада ишлайдиган ноинсоф, виждонсиз ходимлар дўппини ўғрилаб олиб қолишганим деб ўйлабман...»

ИМТИҲОН



Қадим замонда ўзининг мулойимлиги билан машҳур бўлган бир подшоҳ ҳукм сурарди. Баъзан нобақор кишилар унинг мулойимлиги, лутфорлигини суистеъмол қилардилар. Подшоҳ кимни хазиначи этиб биттадан чақириб қолғу ҳавоси, оҳанги остида рақс эттиринг, ким чаққонлик билан рақс этса, ана ўшани хазиначи этиб тайин қилинг.

Бир куни подшоҳ бу мақсадни донишмандга айтиб, маслаҳат сўради. Донишманд чуқур хаёлга ботиб деди:

– Бир кунни тайин қилиб, хазиначи бўлишни орзу қилганларни саройингизга даъват қилинг, уларни биттадан чақириб қолғу ҳавоси, оҳанги остида рақс эттиринг, ким чаққонлик билан рақс этсан, ана ўшани хазиначи этиб тайин қилинг.

– Сиз қулгили бир латифа сўзлаясиз, деб гумон этаман, чаққонлик билан рақс этган одам энг номусли, энг моҳир хазиначи бўла олади, деб даъво қилиш тўғри бўлмаса керак, – деди подшоҳ хайрон бўлиб.

Донишманд шундай жавоб берди:

– Ишонинг, хазиначи тайин қилиш учун бундан ҳам яхшироқ бир имтиҳон усули йўқ.

Тайин этилган кунда хазиначи бўлишни истаганларнинг ҳаммаси кутиш хонасига тўпланди. Улар олтмиш тўрт киши эди. Подшоҳ ҳузурига кириш тартиби шундай эди, кутиш хонасида ўтирганларни навбат билан чақирарди. Чақирилган киши иккинчи бир – олтин у ёқутлар турган хонада ёлғиз ўзи бироз кутиб ўтиргандан кейин подшоҳ ҳузурига чақириб олинарди. Подшоҳ унга қолғу ҳавосига кўра рақс этишни буюрарди. Рақс этгандан кейин уни яна бошқа бир хонага чақириб, натижани кутиб ўтиришни буюрарди. Шундай қилиб, олтмиш тўрт кишининг

ҳаммаси шу имтиҳондан ўтди. Хазиначи бўлишни истаган кишининг деярли барчаси рақс этаркан, қўллари билан чўнтақларини беркитиб туришарди. Подшоҳ ёнида ўтирган донишманд буларнинг рақсларини кўриб: «Ҳа, ярамас ўғрилар», деб қўярди.

Уларнинг ичидан биттаси жуда чаққонлик ва жуда эркинлик билан рақс этди. Тажриба тамом бўлгандан кейин подшоҳ бу чаққон ўйнаган одамни кучоклаб табриқлади, уни хазиначи этиб тайин қилганини билдирди: донишманд ҳам уни янги мансаб билан муборакбод этди. Ёмон ўйнаганларни ўғрилликда айблаб, жазо маҳкамасига ҳавола қилишди.

...Кутиш хонаси ёнидаги иккинчи бир хонага – жуда кўп олтин, кумуш, лаъл, ёқут каби қимматли тошлар қўйилган эди. Кутиш хонасидан чақирилиб ўша хонада бироз кутишга буюрилган ҳар бир номзод чўнтақларини олтин ва қимматли тошлар билан тўлдириб оларди. Рақс вақтида ўғрилгани билиниб қолишдан қўрқиб, қўллари билан чўнтақларини босиб секин ўйнардди. Чаққон ўйнаган киши олтин, кумуш ва қимматли тошлардан биттасини ҳам олмаган пок, соф одам эди.

ЖАВОҲИР

Расул ҲАМЗАТОВ,
авар шоири



Тирякларга тегма, тегма, шухрат-шон,
Сен хали билмайсан инсоннинг сирин.
Ғоҳида ўлдириб қўясан, ишон,
Ҳатто, энг кучлисин, энг яхшиларин.

Асли, ўликларга қераксан, билсанг,
Уларга халақит бермайсан, ишон.
Аксинча, оловли нафасинг билан
Уларга қайтадан бахш этасан жон.

ИНТЕЛЛЕКТ

Оммавий синов

Ҳозирда коронавирус пандемияси дунёнинг барча давлатларига таъсир ўтказётган глобал ҳагар сифатида баҳоланяпти. Бу офатдан зарар кўраётганлар ҳам дунё микёсида кўпчиликини ташкил қиляпти.

Савол: инсоният тарихида яна қ айси ҳодиса бутун дунёга таъсир ўтказган табиий офат сифатида қаралган?

Жавоблар келгуси ҳафтанинг сешанба кунни соат 15:00 гача қабул қилинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz

Телефон: 0(371) 234-91-82

Telegram: (+99897) 444-80-84

Газетамизнинг 2020 йил 4 июнь кунги сонида берилган саволнинг жавоби: Чумолилар донни иккига бўлиб сақлаган.

ПАЗАНДАЛИК

ТВОРОГЛИ «АТИРГУЛ»ЛАР

Бундай ажойиб печеньелар учун хамирни бир кеча олдин қориб қўйсангиз, эрталаб пишириб оласиз, қараб-сизки, атиргулли гулдаста ҳам тайёр.

Керакли масалликлар:

2 дона тухум сариги, 100 грамм сариёғ, 250 грамм творог, бир чимдим туз, 1 чой қошиқ ванил шакари, 1 чой қошиқ кабатрма, 120 грамм шакар, 400 грамм ун.

Тайёрланиши:

Тоғорачага ун ва кабатрмадан ташқари барча масалликларни солаамиз. Юмшаган сариёғ ва творогни санҷки

билан эзиб майдалаймиз. Ун ва кабатрма ни элаб солаамиз ва хамир қориб олаамиз.


Хамирни 2-3 мм қалинликда ёйиб олаамиз ва стакан ёрдамида айлана шаклчалар кесиб чиқамиз.

Тўртта хамир бўлакчалари учини сал теккизиб, устма-уст териб чиқамиз. Сўнг рулетга ўхшаб ўраб чиқамиз. Пичок ёрдамида уларнинг тенг ўртасидан кесамиз.

Атиргулларни пергамент қоғоз тўшалган патнисга терамиз ва 180 даража ҳароратда 20 дақиқа давомда пишириб олаамиз.

Пишган печеньеларни устидан шакар упасини сепаамиз. Ёқимли иштаҳа!

Ўртачирчик туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2009 йилда Хидиралиев Одибек Эрали ўғлига 11-синфини тамомлагани тўғрисида берилган О'Р-Ш-1028241-ракамли (рўйхат рақами 21) шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



Маъмурджем Эмомкуллов чизган.

Изоҳга ҳоҳишат йўқ.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алокабанк».

Газетада интернет материалларини ҳам фойдаланган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Парк» наприйет-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Бош муҳаррир

Хусниддин БЕРДИЕВ

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Буғуртма: 1-637
ISSN 2181-6190
Алди: 1 709 нуسخа.
Нархи: келингув асосида.
Қоғоз битими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет ускунада босилган.

Чоп этишга топширилди: 01:30



123456